

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**КЕНЖАЕВА ПОШША УМИДОВНА**

**XX АСР ТУРК ҲИКОЯЧИЛИГИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2017 йил**

**Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по  
филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on  
Philological Science**

**Кенжаева Пошша Умидовна**

XX аср турк ҳикоячилигининг тараққиёт тамойиллари..... 3

**Кенжаева Пошша Умидовна**

Принципы эволюции турецкой новеллистики XX века..... 33

**Kenjaeva Poshsha Umidovna**

The development principles of Turkish storytelling of the twentieth century 65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 69

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**КЕНЖАЕВА ПОШША УМИДОВНА**

**XX АСР ТУРК ҲИКОЯЧИЛИГИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2017 йил**

**Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Fil35 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Каримов Наим Фатихович</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Жафер Шен</b> филология фанлари доктори, профессор (Туркия, Докуз Эйлюль университети) <b>Раҳмонов Насимхон Асқарович</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Пардаева Зулфия Жўраевна</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	Анджон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq\_ilmiy@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21)

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**А.М.Маннонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.Ш.Омонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, филол.ф.д., доцент

**А.Куранбеков**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида турк ҳикоячилигининг шаклланиш босқичи ва тараққиёт тамойилларини ўрганиш жараёнида ҳикояларда тасвирланган инсон руҳиятини бадиий ифодалаш усулларини асослаш, қаҳрамонлар руҳий оламида кечаётган ўзгаришларни тасвир этиш йўлларини аниқлаш, ҳикоя жанрида романтизм, реализм, модернизм, постмодернизм сингари адабий йўналишларнинг намоён бўлиши ва кўринишлари муҳим аҳамият касб этади. Инсон концепциясининг бадиий асарларда ёрқин ифодаланиши нафақат турк, балки ҳозирги жаҳон адабиётшуносларининг диққат марказида турган муҳим вазифалардан биридир.

Мустақиллик йилларида республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида юз берган туб ўзгаришлар табиий равишда адабий жараёнга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Турли халқлар адабиётини ўрганиш, уни ўзбек ва жаҳон адабиётшунослиги андозаларига мувофиқ илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ва таржима қилишга замин яратилди. Мамлакатимиз илм аҳли томонидан турк адабиётининг бир қатор масалалари ўрганилган. Шунга қарамадан ҳозирги кунда хорижий мамлакатлар адабиётининг умумбашарий дурдоналарини халқимизга етказиш эҳтиёжи янада ортмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> ижтимоий соҳада, хусусан, илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларида илмий-амалий изланишлар кўламини янада кенгайтириш учун кўшимча имкониятлар яратилди. XX аср турк насри, хусусан ҳикоя жанридаги бадиий тафаккур билан боғлиқ янгиланишлар, услубий изланишлар, мавзу ва ғоя кўламини кенгроқ ёритиш имкони ҳам юзага келди. XX аср жаҳон адабиётшунослигида ўзининг спецификаси билан ажралиб турадиган турк адабиётининг илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиниши илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш ва инновация фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида XX аср турк адабиётидаги ҳикоя жанрининг шаклланиш, ривожланиш ва поэтик хусусиятлари муайян даражада кузатилган бўлса-да, жанрнинг тараққиёт тамойиллари алоҳида монографик планда ўрганилмаган. Мазкур тадқиқот турк адабиётида ҳикоя жанрининг вужудга келиши, унинг шаклланиши ва тараққиёти, янги бадиий-услубий изланишлар, тарихий-ижтимоий давр таснифи, замон ва қаҳрамон муносабати, психологик таҳлил, бадиий маҳорат муаммоси, услубдаги ранг-баранглик, янгича изланишлар, ҳикоя сюжети ва композицияси сингари муаммоларни ўрганишга бағишланган. Шу билан бирга турк ҳикоячилиги босиб ўтган йўлни, ҳар бир даврга хос хусусият, янгилик ва ўзгаришларни алоҳида тадқиқ этиш назарда тутилган. Бинобарин, XX аср турк ҳикоячилигининг тараққиёт тамойилларини монографик планда ўрганиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони / Халқ сўзи. 2017 йил. 8 февраль. №28 (6722)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон «2010-2020 йилларга мўлжалланган номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойиши, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Замонавий турк адабиётининг ўзига хослиги, жанрий хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Universität Mainz (Германия); Київський національний університет (Украина); Bakı Dövlət universiteti (Ozarbayjon); Грузия Шарқ тиллари институти, Тифлис давлат университети (Грузия), Будапешт университети (Венгрия), Чехославакия Шарқ тиллари институти (Чехославакия), Gazi Üniversitesi, Hacettepe Üniversitesi, İstanbul Üniversitesi, Ege Üniversitesi (Туркия), Московский Государственный университет, Санкт-Петербургский Государственный университет (Россия), шунингдек, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.ka.wikipedia.org/wiki>, <http://www.tr.wikipedia.org/wiki/Turkoloji-26k>, <http://www.onlineturkish.com>, <http://sbe.gazi.edu.tr/>, <http://www.sosyalbilimler.hacettepe.edu.tr/>, <http://tde.deu.edu.tr/>, <http://sosyalbilimler.istanbul.edu.tr/>, <http://www.sosbilen.ege.edu.tr/>, <http://www.turkishlanguage.org>, <http://www.turkdili.narod.ru/>, <http://www.tashgiv.uz/> ва Gümüşkılıç M. Macaristan Türkolojisi Üzerine Bir Biyo-Biyografi Denemesi // Turkish Studies, Volume 7/4. Fall 2012, -p. 367-406, Canaşia N.N., Svanidze M.Kh. Gürcistan'da Türkoloji (gürcüceden çev. Üstünyer I.) // Tarih Dergisi, Sayı 54 (2011/2) İstanbul 2012.-s.221-229., Özdemir N. Almanya ve Berlin'deki Türkoloji Araştırmaları Tarihi ve Freie Universität Berlin – Türkoloji Enstitüsü / Milli Folklor, 2005, Yıl 17, Sayı 68. -s.32-39., Dolunay K. Türkiye ve Dünyadaki Türkçe Öğretim Merkezleri ve Türkoloji Bölümleri Üzerine Bir Değerlendirme //XIV. Ulusal Eğitim Bilimleri Kongresi Pamukkale Üniversitesi Eğitim Fakültesi 28-30 Eylül 2005 Denizli, -s. 1-7., Yüksel Z. Çek Cumhuriyeti'nde Türkolojinin Tarihi / Fikret Türkmen Armağanı, Kanyılmaz Matbaası, İzmir-2005. -s.767-782., сингари манбалар асосида амалга оширилди.

Замонавий турк адабиёти, хусусан ҳикоя жанри тадқиқига бағишланган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: мумтоз ва замонавий турк адабиётида жанрларнинг мавзу кўлами ҳақида умумий маълумотлар берилган (Universität Mainz, Германия); замонавий турк ҳикояларининг таржимаси, библиографиясига оид илмий натижалар аниқланган (Будапешт университети, Венгрия); замонавий турк адабиётининг тарихи, чех адабиётида турк инсонининг тасвири, турк адабиётида Онадўли мавзуси, адабиётда турк кишлоғининг ёритилиши билан боғлиқ масалалар асосланган (Чехославакия Шарқ тиллари институти, Чехославакия); турк адабиётининг тарихи, вужудга келиши, адабий жанрларнинг шаклланиши, поэтикаси масаласи, адабий оқимларнинг таъсири исботланган (Gazi Üniversitesi, Hacettepe Üniversitesi, İstanbul Üniversitesi, Ege Üniversitesi, Туркия); замонавий турк адабиётининг грузин адабиёти билан муштарак томони аниқланган (Грузия Шарқ тиллари институти, Тифлис давлат университети, Грузия); турк адабиётида реализм, турк насрининг ўзига хос хусусияти турк ёзувчилари ижоди мисолида аниқлаб берилган (Московский Государственный университет, Санкт-Петербургский Государственный университет, Россия); турк адабиёти тарихи, ундаги таржима асарлар тадқиқ этилган (Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон).

Дунёнинг йирик туркологлари томонидан турк адабиётининг ўзига хос хусусиятлари бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: турк адабиётининг бошқа халқлар адабиёти билан муштараклиги; турк адабиётининг шаклланиши; унинг даврий босқичларини асослаш; ёзувчилар ижодида бадиий маҳорат ва услуб масаласини очиб бериш; турк адабиётида адабий оқимларнинг аҳамиятини изоҳлаш; турк ёзувчиларининг асарларини аслиятдан таржима қилишни амалга ошириш; адабий турлар ва жанрлар ўртасидаги мулоҳазали қарашларга барҳам бериш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Турк адабиётшунослигида ҳикоя жанрининг шаклланиши ва тараққиёти ҳақида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, ҳикояга жанр нуқтаи назаридан муносабат, унинг пайдо бўлиш жараёни, такомиллашуви, танланган ҳикоялар таҳлили, ҳикоячиликда ҳикоянависнинг бадиий маҳорати ва бу жанрнинг турли босқичлари борасида жиддий фикр-мулоҳазалар билдирилган. А.Қабокли, М.Қоплон, Ў.Лекесиз, Ж.Қудрат, Н.Четин, Н.Мерт сингари йирик турк адабиётшуносларининг илмий тадқиқотлари, шунингдек, «Несе», «Bilig», «Türk dili» каби журналлардаги илмий-адабий мақолалар, Б.Конер, В.Холбрук, С.Атиш, Р.Г.Фиш, Н.А.Айзенштейн, С.Утургаури, Н.С.Яковлева, Г.Сорокоумовская сингари Ғарб ва рус олимларининг илмий қарашлари, ўзбек олими Х.Кямилев, А.Алимбековнинг монография ва мақолалари шулар жумласидандир.<sup>3</sup> Бу тадқиқотлар ўз навбатида, бизнинг диссертацион

<sup>3</sup> Қаранг: Kabaklı A. Türk Edebiyatı. I.cilt. Türk Edebiyatı Vakfı Yayınları. İstanbul-2002, –701 s; Kabaklı A. Türk Edebiyatı. V.cilt. Türk Edebiyatı Vakfı Yayınları. İstanbul-2002, – 944 s; Kaplan M. Hikaye Tahlilleri. (14.baskı). Dergah Yay. İstanbul-2009, -398 s; Lekesiz Ö. Yeni Türk Edebiyatında Öykü. 1.cilt. Kaknus Yay. İstanbul-1997, -

ишимизга муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилади. Жаҳон адабиётшунослигида ҳам турк ҳикояларини даврлаштириш, шунингдек, жанрнинг тараққиёт тамойиллари, қаҳрамонлар руҳий олами ва услубий ранг-баранглик масалаларига қисман тўхталиб ўтилганлиги кузатилади. Лекин XX аср турк ҳикоячилигининг тараққиёт тамойиллари алоҳида монографик планда ўрганилмаган.

Тадқиқотда таҳлилга тортилган асарлар бир-биридан тубдан фарқ қилган даврларда яратилган бўлиб, жанрнинг вужудга келиши, шаклланиши ва тараққиёт босқичида яратилган. Улар ҳикоя жанрига хос хусусиятлар ва бадий янгиликлар нуқтаи назаридан ўрганилди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуи Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Шарқ мамлакатлари адабиётшунослиги ва адабий манбашунослигининг долзарб муаммолари» мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисми ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади** XX аср турк насри доирасида ҳикоя жанрининг шаклланиш омиллари, тараққиёт тамойиллари, даврлаштириш муаммолари, услубий ўзига хосликлари ҳамда замон ва қаҳрамон психологиясини илмий асослашдан иборат.

---

499 s; Lekesiz Ö. Yeni Türk Edebiyatında Öykü. 2.cilt. Kaknus Yay. İstanbul-1998, -532 s; Lekesiz Ö. Yeni Türk Edebiyatında Öykü. 3.cilt. Kaknus Yay. İstanbul-1999, -552 s; Lekesiz Ö. Yeni Türk Edebiyatında Öykü. 4.cilt. Kaknus Yay. İstanbul-2001, -556 s; Lekesiz Ö. Yeni Türk Edebiyatında Öykü. 5.cilt. Kaknus Yay. İstanbul-2001, -570 s; Kudret C. Türk Edebiyatında Hikaye ve Roman. 1.cilt. İnkılap-2009, -320 s; Kudret C. Türk Edebiyatında Hikaye ve Roman. 2.cilt. İnkılap-2009, -344 s; Kudret C. Türk Edebiyatında Hikaye ve Roman. 3.cilt. İnkılap-2009, -440 s; Çetin N. Modern Öykünün Edebiyatımızdaki Serüveni: Hazırlayıcı Geleneksel Dönem (Başlangıçtan Tanzimat'a Kadar). // Hece Öykü Derg. Sayı: 2, Ankara-2004, -s.56-67; Çetin N. Tanzimat'tan Cumhuriyete Türk Hikayesine Kısa ve Genel Bir Bakış. // Hece Öykü Derg. Sayı: 3, Ankara-2004, -s.57-64; Çetin N. Türk Hikayesinde Sosyalist Realizm (Toplumcu gerçekçilik). // Hece Öykü Derg. Sayı: 4, Ankara-2004, -s.52-71; Mert N. Modern Öykünün Serüveni: 1940'tan Günümüze. // Hece Öykü Derg. Sayı: 2, Ankara-2004, -s.68-79; Mert N. Ömer Seyfettin'in Dönemi, Ülküsü ve Öyküleri. // Hece Öykü Derg. Sayı: 3, Ankara-2004, -s.79-84; Hece // Ankara-2000, 2004; Özmen G. Öykü Yapısı ve Öykü Yapısının Okuduğunu Anlama Öğretiminde Kullanılması. // Bilig. Sayı: 11, Ankara-1999, -s. 105-118; Burcu E. Ömer Seyfettin'den «Milli Benliğe Dönüş» Çağrısı: Primo Türk Çocuğu. // Bilig. Sayı: 30, Ankara-2004, -s.141-149; Koç M. Ömer Seyfettin Eserlerinde II. Meşrutiyet ve İttihat ve Terakki. // Bilig. Sayı: 47, Ankara-2008, -s. 121-146; Karataş T. Tarık Buğra'nın Öyküsü ve Öykücülüğü // Bilig. Sayı: 48, Ankara-2009, -s.119-136; Türk Dili. // Türk Öykücülüğü Özel Sayısı. (2.baskı). Sayı: 286. Ankara-2008, -410 s; Caner B. Türkische Literatur: Klassiker der Moderne. Hildesheim; New York: Olms. 1998, - P.433; Holbrook V. A Postmodernist Turkish Novel // Mixed Materials. 1990, -p.1-12; Atiş S.M. Semantic structuring in the modern Turkish short story: an analysis of the dreams of Abdullah Efendi, and other short stories by Ahmet Hamdi Tanpınar. Leiden: E.J. Brill. 1983, -P.205; Фиш Р.Г. Сабахаттин Али. Гослитиздат. М-1959, -152 с; Айзенштейн Н.А. Из истории турецкого реализма. Авт.дисс. на соискан.учен.степен к.ф.н. М-1965, -23 с; Айзенштейн Н.А. Из истории турецкого реализма (70-е гг. XIX в. - 30-е гг. XX в.) Наука, М-1968, -284 с; Айзенштейн Н.А. Саид Фаик и его новеллы. Наука, М-1971, -240 с; Утургаури С. Творчество Орхана Кемали - новеллиста. Авт.дисс. на соискан.учен.степен к.ф.н. М-1963, -20 с; Утургаури С. Турецкая проза 60-70-х годов: основные тенденции развития. Наука, М-1982, -215 с; Яковлева Н.С. Сатирические новеллы Азиза Несина. Издательство Ленинградского университета. Л-1977, -127 с; Яковлева Н.С. Турецкий рассказ: Новейшее время (40-70-е годы, XX века) Хрестоматия. Л-1982, -95 с; Яковлева Н.С. Турецкий рассказ: Новое время (70-е годы XIX в. -10-е годы XX в): Хрестоматия. Л-1982, -92 с; Сорокоумовская Г. Турецкая новелла первой четверти XX века. Авт.дисс. на соискан.учен.степен к.ф.н. М-1960, -19 с; Кямилев Х. Анатолия глазами Сабахаттина Али. Ташкент, Т-1965, -100 с; Алимбеков А. Турк адабиёти тарихи. ТДШИ. Т-2005, -132 б; Алимбеков А. Турк адабиёти (XIII-XVIII асрлар). ТДШИ. Т-2014, -160 б; Алимбеков А. Ўрхон Помикнинг «Ой қалъа» романи бадиияти // Шарқшунослар анжумани. 4-сон. ТДШИ. 2010, -б. 3-6. ва ҳ.к.



### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

турк реалистик ҳикоячилигининг шаклланиш омилларини белгилаш;  
жанр тадрижи масаласини тадқиқ этиш;  
1920-1940 йиллар турк ҳикоячилигида анъана ва новаторлик муаммосига диққат қаратиш;  
1940-1960 йиллар турк ҳикоячилигидаги услуб янгиланишларини ўрганиш;  
1960-1980 йиллар адибалар насридаги монолог-ҳикоя ва хотира-ҳикоя жанрини илмий тадқиқ этиш;  
янги (модерн) турк ҳикояларининг хусусиятларини белгилаш;  
1990 йиллардан кейинги давр турк ҳикоячилиги бадиий тамойилларини аниқлаш;  
шулар асосида замонавий турк ҳикоячилиги тараққиёти тамойилларига доир назарий умумлашмалар чиқариш.

**Тадқиқотнинг объекти** XX асрда яшаган Мамдуҳ Шавкат Эсендал, Умар Сайфиддин, Сабоҳаддин Али, Саид Фоиқ Абасиёниқ, Торик Буғро, Ҳаликарнас Балиқчиси, Ўрхон Камол, Азиз Несин, Назиҳа Мерич, Фирузан, Томрис Уяр, Севинч Чўкум, Юсуф Отилган, Ферид Эдгу, Мустафо Қутлу ва Селим Илери сингари турк ёзувчиларининг ҳикоялари.

**Тадқиқотнинг предмети** турк ҳикоячилигининг вужудга келиш омиллари, унинг шаклланиш ва тараққиёт тамойиллари, XX аср турк ҳикояларининг бадиий хусусиятлари, жанр тақомилидаги услубий изланишлар ва поэтик ўзига хосликлар.

**Тадқиқотнинг усуллари.** XX аср турк ҳикоячилигининг тараққиёт тамойилларини ўрганишда адабий-эстетик, қиёсий-тарихий ва психологик таҳлил методларидан фойдаланилди.

### **Диссертация тадқиқотининг илмий янгиллиги:**

турк адабиётида ҳикоя жанрининг вужудга келиш, шаклланиш ва тараққиёт тамойиллари, жанр тадрижидаги тарихий-адабий жараён асосланган;

XX аср турк ҳикоячилиги хронологик жиҳатдан даврларга бўлиниб таснифланган шунга кўра жанрнинг шаклий ва мазмуний аҳамияти далилланган;

турк ҳикоячилигига француз адабиётининг таъсири, унга хос реалистик тасвир кўринишлари аниқланган;

анъанавийлик ва новаторлик масаласи XX асрнинг 1920-1940 йиллар ҳикоялари таҳлилида исботланган;

замонавий ҳикояларда давр инъикоси ва психологик таҳлилнинг ўзига хослиги услуб ва методлар хилма-хиллигида далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Турк адабиётида ҳикоя жанрини ўрганишга бағишланган мазкур диссертациянинг хулосалари турк адабиётидаги ҳикоя жанрининг шаклланиши ва унинг намояндалари тўғрисидаги фикрларимизни бойитади. Ишга илова сифатида тавсия этилган,

турк ҳикояларининг 2 китобдан иборат ўзбекча таржималари<sup>4</sup>, бир томондан, ўзбек китобхонларини турк ҳикоялари билан яқиндан таништиради, иккинчи томондан, ҳозирги ёзувчилар авлодига турк ҳикоячилигининг энг яхши тажрибаларини ўзлаштириш ва ижодий ривожлантириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** турк ҳикоячилигининг янги манбалари, ўзбек, рус ва Ғарб адабиётшунослиги назарий қарашларининг ишга жалб этилганлиги, ишнинг адабий-эстетик, қиёсий-тарихий ва психологик таҳлил методларига асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Турк адабиётида ҳикоя жанрининг вужудга келиши, унинг тараққиёти, тарихий-ижтимоий даврнинг акс этиши, замон ва қаҳрамон муносабати, ҳикоячиликни қиёсий ўрганиш масалалари XX аср турк адабиёти ва ҳикоячилиги, қиёсий адабиётшуносликнинг материаллари асосида кенг қўламда тадқиқ этиш учун йўл очади.

Диссертациянинг илмий хулосаларидан, келтирилган илмий асослар, назарий фикр-мулоҳазалардан олий ўқув юртларида XX аср турк адабиёти, қиёсий адабиётшунослик, мутахассисликнинг назарий масалалари фанлари бўйича махсус курслар ўтишда ва маърузалар ўқишда, XX аср турк ҳикоячилиги ҳақида ўқув қўлланмалари, дарслик ва мажмуалар яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Турк адабиётида XX аср турк ҳикоячилигининг тараққиёт тамойиллари тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

турк ҳикоячилигининг тараққиёт тамойиллари тўғрисидаги натижалар Туркия Жумҳурияти Бош Вазир девони ҳузурдаги Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги – ТІКАнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан илмий-маданий соҳада амалга оширилаётган фаолиятлар доирасида Ўзбекистон ва Туркия олимлари, талабалари учун муҳим манба сифатида фойдаланилган (ТІКАнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси 2017 йил 13 июлдаги 162-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижасининг амалиётга жорий қилиниши турк адабиёти ҳақидаги талқинларнинг янада бойитилишига муҳим асос бўлган;

турк ҳикоячилигининг шаклланиши, унинг поэтикаси ва таржима асарлари масалалари Туркиядаги Анқара Ўлдириш Боязид университетининг турк тили ва адабиёти бўлими «TDE556 Kodlu-Orta Asya Türk Kültürü», «TDE328 Kodlu – Türk Dünyası Halk Edebiyatı», «TDE664 Kodlu – Türk Cumhuriyetleri ve Türk Toplulukları Folkloru» таълим йўналишида муҳим манба сифатида фойдаланилган (Анқара Ўлдириш

---

<sup>4</sup> Елўқ В.С., Кенжаева П. Кутилмаган меҳмон (турк ҳикоялари таржимаси). -Т.: Академнашр, 2011. 320 б., П.Кенжаева. Бинафша (турк ҳикоялари таржимаси). -Т.: Мумтоз сўз, 2015. 116 б., П.Кенжаева. Юлдуз тўзони (Мустафо Қутлу ҳикояси тарж.)// Маърифат. 2009/05.01., П.Кенжаева. Марямнинг кўз ёшлари (Шавкат Булут ҳикояси тарж.)// Шарқ юлдузи. Тошкент, 2012/1. –б. 89-91., П.Кенжаева. Хилватда кечган умрим (Томрис Уяр ҳикояси тарж.)// Шарқ юлдузи. Тошкент, 2014/6. –б.149-152.

Боязид университетининг 2017 йил 16 июндаги маълумотномаси). Натижада тингловчиларнинг бу борадаги билимларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

«Кутилмаган меҳмон» номли ҳикоялар тўпламидаги таржималардан Туркиянинг Ғози университети адабиёт факультети «2060068 – Metin Çözümleme Yaklaşımları», «CLE-306-Modern Türk Edebiyatı-IV», «CLE-211-Özbek Türkçesi», «GDD-304-Özbek Türkçesi metin aktarma-II», «GDD-402-Özbek Türkçesi Metin Aktarma-IV» доирасида қўлланилган (Gazi Üniversitesi 16.VI.2017.). Илмий натижанинг амалиётга татбиқ этилиши турк ҳикояларининг икки тилда қиёсланиши, поэтик жихатдан ўрганилганлигини асослашга хизмат қилган;

мазкур тадқиқотга тортилган замонавий турк ёзувчиларидан Фирузан, Т.Уяр, М.Қутлу ҳикояларининг ўзбекча таржималаридан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Mahalla» радиоканалида эфирга узатиладиган «Мутолаа завқи» дастури доирасида туркум эшиттиришлар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Mahalla» телерадиоканалининг 2017 йил 17 июлдаги 04-34-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши турк ёзувчиларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар беришда, радиотингловчиларни ёзувчиларнинг асарлари билан таништиришда муҳим манба вазифасини бажарган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, 4 та халқаро «Хорижий шарқ халқлари адабиёти ва адабий манбашунослигининг долзарб масалалари» (Тошкент, 2010), «Молодежь и системная модернизация страны» (Россия, 2016), «Проблеми та перспективи розвитку науки на початку третього тысячоліття у країнах Європи та Азії» (Україна, 2016), «Uluslararası Türk Dünyası Eğitim Bilimleri ve Sosyal Bilimler Kongresi» (Туркия, 2016) ва 8 та республика илмий-амалий анжуманлари «Шарқшунослик анжумани» (Тошкент, 2010, 2011, 2012, 2014, 2015), «Профессор Ҳамид Сулаймон номидаги Республика ёш манбашунос ва матншуносларининг илмий анжумани материаллари» (Тошкент, 2013), «Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари» (Тошкент, 2014), «Ёш тилшунослар ва адабиётшуносларнинг анъанавий республика илмий-амалий анжумани» (Тошкент, 2016)да муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 33 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та монография, 2 та таржима асар, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 2 та бадиий таржима, 14 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 271 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Турк ҳикоячилигининг шаклланиши ва жанр тадрижи муаммолари**» деб номланиб, бобда турк ҳикоячилигининг тарихий шаклланиш жараёнлари кузатилди, унинг ҳикоя жанри доирасида жаҳон ва ўзбек адабиёти бошдан кечирган шаклланиш босқичларидан ўтгани ўрганилди. Турк ҳикояларининг дастлабки шакллари қадим турк эпоси «Китоби Дада Қўрқут», турли мавзудаги халқ ҳикоятлари, қисса ва эртаклари доирасида вужудга келган. Бундан турк мумтоз дostonчилиги, қиссанавислигига ўтган. Шу билан бир қаторда, турк халқининг долғали, ғалаба ва мағлубиятларга бой тарихи, тарих саҳналарида жавлон урган машҳур шахслар ҳаёт йўли, муайян ҳудуд (масалан, Истанбул, Онадўли) билан боғлиқ фавқулодда воқеа-ҳодисалар бадиийлик талабига у қадар мос келавермайдиган, аммо ҳақиқатни тугал акс эттирадиган ўтмиш ҳикоялари замонавий ҳикоя жанри ташаккули ва характерида кучли таъсир кўрсатган. Шунга кўра, турк адабиётида ҳикоя жанрининг пайдо бўлиши XIX аср замонавий ҳикоялари билан чегараланмайди. Унинг ўзига хос ўтмиши, босиб ўтган тараққиёт йўли бор. Турк ҳикоячилиги ўзининг тарихий, маданий, типологик омилларига эга. Бизнингча, бу омиллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- турк халқ оғзаки ижоди;
- турк халқ тарихига оид «ўтмиш китоблари» (тарихий хроникалар);
- турк мумтоз адабиёти;
- яқин тарих воқеалари ва уларга оид тарихий манбалар;
- Европа ҳикоянавислиги анъаналари.

Кузатишларимиз натижасига кўра: *Биринчи омил* – фольклор анъаналари бўлиб, турк адабиётида реалистик ҳикоянинг юзага келиши халқ ижодиёти теран илдизларига бориб тақалади. Турк фольклорида мавжуд миф, афсона, эртак, таҳкие, халқ ҳикоялари ва ҳикоятлари замонавий ҳикоянинг пайдо бўлиши учун субъектив (турк халқига хос) асос вазифасини бажарган. Халқ дostonлари, хусусан, «Китоби Дада Қўрқут» ҳикояларининг турк реалистик ҳикоячилигидаги илк шаклланиш жараёни учун аҳамияти жуда катта. *Иккинчи омил* – ёзма адабиёт. Турк мумтоз адабиёти вакиллари томонидан араб, форс адабиётидан қилинган таржималар, миллий анъаналар таъсирида пайдо бўлган турк мумтоз ҳикоянавислиги анъаналари XIX аср охирларига келиб, қайта ишланган. Янги воқеликни тасвирлаш йўлида шаклий-бадиий восита функциясини бажарган. Мумтоз адабиётдаги маснавий йўлида ижод

этилган кичик ҳажмдаги мажозий ҳикоятлар янги давр ҳикоянавислари учун тажриба ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган. *Учинчи омил* – жаҳон ҳикоячилиги, хусусан, француз ҳикоячилигининг таъсири. Турк ҳикоячилигида анъанавий ҳикоя шаклини янги замон ҳикояси билан синтезлаш жараёнида француз ёзувчиси Мопассан ижоди муҳим аҳамият касб этди. Мопассан, Доде, Эмиль Золя сингари француз ҳикоянавислари асарларининг миллий тилга таржима қилиниши турк ёзувчиларининг замонавий жанр томон яна муҳим бир қадам ташлашларига туртки бўлди. Ғарб насрига хос реалистик тасвир принциплари, реал инсон образи талқини, перспектива назарияси турк носирларини ижтимоий ҳаёт воқелигига теранроқ назар ташлашга ундади. Натижада ҳаёлот ва романтизмга асосланувчи илк реалистик проза негизида бир қадар мукамал, янги реалистик ҳикоячиликка асос солинди. *Тўртинчи омил* – реал ҳаёт воқелиги бўлиб, унинг илдизлари XIX аср охирида турк халқи ижтимоий, иқтисодий, маиший ҳаёти ва янги турк киши психологиясидаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқдир. Сами Пошозода Сезаининг «Икир-чикирлар» номли ҳикоялар тўпламида мана шундай диалектик жараёнлар ўз аксини топган.

Умуман, замонавий турк ҳикоячилигининг илк шаклланиш даври XIX асрнинг сўнги чорагига тўғри келади. Аҳмад Митҳат, Эмин Ниҳат, Набизода Нозим, Режаизода Маҳмуд Ақром ҳикояларида тамал тоши қўйилган турк реалистик ҳикояси Сами Пошозода Сезаи ҳикояларига келиб, ўзининг нисбатан мукамал кўринишини намоён этди. Аммо турк реалистик ҳикоясининг вужудга келиши тасодиф бўлмай, ўзининг қатор субъектив ва объектив омилларига эга.

Турк адабиётида ҳикоя жанри тадрижи турк адабиётининг Девон адабиётидан кейинги даври Танзимот билан бошланди. Бу давр адабиёти Ғарб адабиёти таъсирида шаклланди ва кейинги даврларда таракқий топиб борди. Ғарб адабиёти таъсирида шаклланди турк адабиёти даврларга бўлиб таснифланганда қуйидаги манзара ҳосил бўлади: 1) Танзимот адабиёти; 2) Сарвати Фунун адабиёти; 3) Фежри Оти адабиёти; 4) Миллий адабиёт; 5) Жумҳурият адабиёти.<sup>5</sup>

*Танзимот даври* прозаси ва поэзияси концептуал нуқтаи назардан ўзгаришга юз тутди. Бу жиҳат, айниқса, насрий асарларда яққол кўринди. Танзимот адабиётида насрий ижод чинакам инқилобни бошдан кечирди. Фикрлар янгиланди, Ғарб таъсирида янги тасаввурлар пайдо бўлди, бу эса турк насрини тамомила ўзгартириб юборди. Н.А.Айзенштейн бу борада шундай фикрни айтган: «80-90 йиллар орасидаги давр зиддиятли. Бу даврда маърифатчилик қарашлари билан ришталар мутлоқ узилмагани ҳолда, янги ижтимоий-сиёсий анъаналарга мойиллик ҳам кузатилади. Даврнинг ўзига хослиги Танзимот даври ёзувчиларининг илк реалистик тажрибаларида намоён бўлди. Ғоявий нуқтаи назардан ушбу асарларда маърифатчилик анъаналари ҳам кузатилса-да, янги тамойил, яъни фуқаровий, ижтимоий

<sup>5</sup> Бу ҳақда қаранг: Önal M. «Yeni Türk Edebiyatı» Teriminin Tanımı İçin Bazı Ölçütler // Türkbilig, Ankara-2007/13, -S.87; Kudret C. Türk Edebiyatında Hikaye ve Roman. Cilt.I.II.III. İnkilap Kitabevi, İstanbul-2009; Kabaklı A. Türk Edebiyatı. Cilt.III. Türk Edebiyatı Vakfı Yayınları, İstanbul-2002.

муаммоларни инкор этиш тамойилининг майдонга чиқаётгани яққол сезилади (Набизода Нозимнинг «Захро», Сезаининг «Икир-чикирлар»и).<sup>6</sup>

«Адабиёти жадида» адабиёти (1896-1901) вакиллари «Сарвати Фунун» журнали атрофида йиғилган ёзувчи ва шоирлар ташкил этади. Режаизода Махмуд Акротомонидан нашр этилган «Сарвати Фунун», Ножий Муаллим чоп эттирган «Мажмуаи Муаллим» журналлари, Аҳмад Митхат муҳаррирлик қилган «Маориф» журнали ва «Таржимони ҳақиқат» газеталари «Адабиёти жадида»нинг нашри афкори эди. Бу нашриёт нашрларида фаолият кўрсатган ёшлар «Сарвати Фунун» журнали атрофида йиғилиб, янги адабиёт даврига асос солдилар. Шу сабабдан ушбу гуруҳга янги адабиёт тушунчасини билдирувчи «Адабиёти жадида» ёки журнал номи билан «Сарвати Фунун» номи берилди. Танзимот адабиёти билан бошланган ғарблашиш «Сарвати Фунун» адабиёти даврида бутунлай тантана қилди.

1909 йилда баъзи адабиётсевар ва санъатсевар ёшлар, «Адабиёти жадида» гуруҳининг турк адабиётини ғарблаштириш йўлидаги фаолиятдан қониқмайдилар ва «*Фежри Оти*» (Келажак зиёси) номли янги гуруҳ ташкил қиладилар. Бу гуруҳнинг олдинги гуруҳлардан фарқи шунда эдики, бу гуруҳ вакиллари учун санъат ғоялар тарғиби учун восита эмас, балки айнан мақсаднинг ўзи эди. Бу гуруҳ поэзия моҳиятида гўзалликни кўради. Мураккаб, ноанъанавий, тимсолий услубда асарлар ижод этади. «Санъат хусусий ва эҳтиромга сазовордир» тамойили бу гуруҳ шиорига айланади.

*Миллий адабиёт даври* (1911-1923) Россия-Туркия ва Болқон урушларидаги мағлубият турк зиёлилари орасида «миллатпарварлик» тушунчасининг тезлик билан ёйилишига сабаб бўлди. Истанбулда бир-бири билан мусобоқалашувчи миллатпарвар жамиятлар ташкил этилди. Миллий адабий ҳаракатнинг илк нашри афкори 1911 йилда Салоникида чиқарилган «Ёш қаламкашлар» журнали ҳисобланади. Миллий адабиёт ушбу журнал атрофида йиғилган ёшлар адабиётидир. «Миллий манбаларга қайтиш», тил соддалиги, маҳаллий халқ ҳаётини тасвирлаш, анъанавий аруз ўрнига бармоқ вазнини қўллаш ва халқ оғзаки ижодига хос шеър шаклларида фойдаланиш миллий адабиётнинг етакчи концепциялари ҳисобланади. Турк адабиёти тарихида бу босқич Машрутият (1911-1918) ва Мутареке (1919-1922) даврларини ўз ичига олади.

Хусусан, XX аср турк ҳикоячилиги тарихи Н.А.Айзенштейн, У.Лекесиз сингари рус ва турк адабиётшунос олимлари томонидан даврлаштирилганига қарамай, бизнингча, уни қуйидагича даврлаштириб ўрганиш мақсадга мувофиқдир: 1) 1870-1920 йиллар турк ҳикоячилиги. Бу йиллар ўз навбатида изланишлар даври (1870-1895) ва кашф этилиш даври (1895-1920)га ажратилади; 2) 1920-1940 йиллар турк ҳикоячилиги; 3) 1940-1960 йиллар турк ҳикоячилиги; 4) 1960-1980 йиллар турк ҳикоячилиги; 5) 1990 йиллар турк ҳикоячилиги.

XX асрнинг 20-йиллари турк ҳикоячилиги такомилли ва жанр поэтикаси

---

<sup>6</sup> Айзенштейн Н.А. Из истории турецкого реализма. Заметки о турецкой прозе (70-е годы XIX в. – 30-е годы XX в.). М.: «Наука», 1968. -С.44.

нуқтаи назаридан самарали давр бўлди. Бу давр турк ҳикоячилиги жанр тадрижи билангина эмас, балки жанр мезонлари, бадиияти жиҳатидан ҳам юксак даражага эришди. XX асрнинг биринчи чорагида Умар Сайфиддин асарлари ҳикоя жанри тараққиёти тарихида бутун бир босқични ташкил этди. Унинг асарларида халқ ва миллат руҳияти, шахс психологияси, пейзаж тасвири мукамал даражада акс этган. Шунингдек, 20-йиллар сўнггида турк ҳикоячилигида юз берган жонланиш турк ҳикоячилигида янги давр бошланганини кўрсатади.

Диссертациянинг «1920-1960 йиллар турк реалистик ҳикоячилиги» деб аталган иккинчи боби турк реалистик ҳикоячилигининг икки босқичи, уларда акс этган анъана ва новаторлик муаммолари борасида фикр юритилади. Бу икки босқич Жумҳурият даврининг илк ҳикоянавислари ва соцреализм таъсиридаги ёзувчилар ижодини қамраб олади.

Турк ҳикоячилиги тарихи шундан далолат берадики, «янги давр ўзидан олдинги давр тажрибаларига таянади». Анъанавийлик – олдинги адабий авлод вакилларида мерос бўлиб қолган асарларга хос бадиий хусусиятларни, тамойилларни, усулларни давом эттиришдир. Анъанавийлик – турли ёзувчиларга хос ижодий тамойилларни боғлаб турувчи «муштарак сабаб» ҳисобланган. Ўтмиш санъаткорларининг қарашлари, маҳорати, поэтик услублари қадрланган, ибрат манбаи сифатида қаралган адабий муҳитларда анъанавийлик юзага келади. Янги асарнинг янгилик яратмасдан эскига ўхшаши эскига тақлиди ҳисобланади. Бу эса анъанадан ташқаридаги нарса. Бундай ўхшашлик асарни баҳолашда турли мунозараларга сабаб бўлади. Бунда асар фақат анъанавий бадиият унсурлари билан чегараланиб қолади, танқидга учрайди. Яхши ижодкор «ўтмиш шуури»ни билиши ва вақти келганда уни янгилай олиши лозим<sup>7</sup>.

Адабий жараёндаги янгилик эса новаторлик деб аталади. Турк ҳикоячилигида анъанавийликдан янгиликка ўтиш босқичма-босқич юз берди. Бу борада даврнинг пешқадам адиблари жонбозлик кўрсатди, шакл-мазмун янгилигига интилди. Хусусан, Жумҳурият даври ҳикоячилиги тараққиётида Мамдуҳ Шавкат Эсендал, Саид Фоиқ ва Сабоҳаддин Али ижоди алоҳида аҳамиятга эга. Улар ҳикоянинг афсонавий, романтик кўринишларидан мутлоқ воз кечиб, соф реалистик талқин йўлини танладилар. Ҳаётда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни борлигича, шафқатсизлигича, ҳаққонийлигича акс эттиришга ҳаракат қилдилар.

«Замонавий адабиётшуносликда, - деб ёзади рус назарийчи олими Г.Н. Поспелов, - реализм адабиёти XIX асрда романтизмдан кейин турли миллатлар адабиётида пайдо бўлган адабий йўналишгина эмас, балки барча халқлар тарихида узоқ ўтмишдан бери яшаб келаётган бадиий асарларнинг мундарижавий-типологик хусусиятлари мажмуидир».<sup>8</sup> Академик Иззат Султон реализмга: «Воқеликни тўғри тушуниш ва уни ҳамма зиддиятлари билан бадиий образларда ҳаққоний инъикос эттириш реализм деб аталади»,<sup>9</sup>

<sup>7</sup> Бу ҳақда қаранг: Karataş T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlüğü. Sütun Yayınları, İzmir-2014. -S.212.

<sup>8</sup> Поспелов Г.Н. Теория литературы. - М.: «Высшая школа», 1978. -С.280.

<sup>9</sup> Султон И. Адабиёт назарияси. -Т.: «Ўқитувчи», 1980. -Б.365.

тарзида қисқа, лўнда таъриф беради. Кўринадик, реализм ўтмиш ва барча тарихий-маданий даврларни қамраб олувчи тарихий категория бўлиши билан бир қаторда, ҳаёт воқелигининг ҳаққоний тасвирига курилади. Ундаги воқеалар ҳаёт воқелигини синтезлаш, бадиий монтаж қилиш асосида шаклланди. Реалистик образ жонли одамлар портрети, характери, хатти-ҳаракатларини бир нуқтада жамлаш йўли билан яратилади. Замонавийлик категорияси эса реалистик адабиётнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

1923-1950 йиллар ҳикоячилигининг янги босқичга чиқиши, ундаги новаторлик хусусиятларининг майдонга келишига Мамдуҳ Шавкат Эсендалдан кейин Сабоҳаддин Али ва Саид Фоиқлар улкан ҳисса қўшдилар.<sup>10</sup> Саид Фоиқ (1906-1954) ҳам илк ҳикояларини ўз замондошлари сингари Мопассан услуби таъсирида ёзган. Ушбу ҳикояларда муаллиф кузатувчи, баёнчи сифатида кўрилади. Аммо у қисқа вақт ичида ҳикоя жанри мезонларини янгилаб, баёнчиликдан воз кечади. Унинг услубида шафқатсиз реалистик тасвир ва инсон ички «мен»и таҳлили кучаяди. Натижада ўткир психологик тасвир Саид Фоиқ ҳикояларида қаҳрамон субъективизмининг устуворлигига олиб келади. Унинг қаҳрамонларини ишчи-хизматчилар, кимсасиз болалар, бир бурчакка текилиб олган тиланчилар, кўча-кўйда умрини бекорга ўтказётган ароқхўрлар ташкил этади. «Самовар», «Сардоба» ва «Шоҳимардон» сингари дастлабки ҳикоя тўпламларида Адапазари ва Истанбулда ўтган болалик, ўсмирлик хотиралари, Францияда яшаган давридаги бегона жамият, бегона маънавият тасвири ўрин олган. Баъзи ҳикояларида Истанбулнинг чекка кишлоклари, ундаги қашшоқ одамлар, улар бошидан кечирган турли саргузаштлар, энг аҳамиятлиси, инсон муҳаббати тасвирланган.

XX асрнинг 30-40 йилларида яратилган турк ҳикоялари ўтмишнинг қора кунларида яшаган ночор халқ қалбидаги беғубор туйғуларни очиқ-ойдин тасвирлагани, тарихий адабиёт анъаналарини қатъий тарзда янгилагани билан ажралади. 1920-1940 йиллар турк ҳикоячилиги анъана ва новаторлик муаммоси нуқтаи назаридан Мамдуҳ Шавкат Эсендал, Саид Фоиқ, Сабоҳаддин Али ижоди мисолида ўзининг унутилмас намуналарини тақдим этди.

1940-1960 йиллар адабиётида муҳим мавқени эгаллаган реализм икки йўналишда давом этди. Буларнинг бири ҳаёт ҳақиқатини муайян «изм»лар таъсирисиз қаламга олишга йўналтирилган Мопассан, Бальзак, Чеховга хос реализм бўлса, иккинчиси соцреализм таъсирида пайдо бўлган ҳикоянавислик анъанасидир. Шу йилларда ижодида соцреализм методи тамойиллари яққол сезилган ёзувчилар гуруҳи адабиёт майдонига кириб келди. Рашод Энис (Айген), Умран Назиф (Йигитер), Ҳаликарнас Балиқчиси, Фақир Бойқурт, Дурсун Акчам, Самим Кўжағўз, Бакир Йилдиз, Илҳан Тарус, Камол Билбашар, Камол Тоҳир, Меҳмет Башаран, Меҳмет Сейда, Музаффар Ҳожиҳасанўғли, Нежати Жумали, Назиҳа Мерич, Ўрхон Камол, Музаффар Буйруқчи, Усмон Шаҳин, Лайло Эрбил, Севги Сойсал, Толиб Апайдин, Яшар Камол, Зейят Селимўғли, Эриндиз Отасу, Инжи Арал, Бурхон Гунел, Камол

<sup>10</sup> Kadizade E. Tomris Uyarın Öykücülüğü. Doktora Tezi. Adana-2011. –S.15.



Оташ каби ёзувчиларни шу сирага киритиш мумкин.

Бу даврнинг муаммоларини ўз ҳикояларида фаол тасвирлаган ёзувчилардан бири Ўрхон Камол (1914-1970)дир. Ў.Камол турк адабиётининг йирик вакилларида бўлиб, бир қатор ҳикоя ва романлари билан дунёга танилган. Унинг ҳикояларида оддий ишчи-хизматчилар образи устуворлик қилди. Насрдаги илк асари «Ота уйи» романидан парча («Балиқ» ҳикояси) 1940 йилда «Йени эдебият» газетасида босилган. Унинг дастлабки ҳикоялари Рашид Камолий, Ўрхон Рашид тахаллуслари билан нашр этилди. Сўнгра 1942-1943 йилларда «Юрүш», «Икдам» газеталари, «Юрт ве дуня» журналида босилган қатор ҳикоялари ва ижтимоий руҳдаги шеърлари Ўрхон Камол тахаллуси билан чоп этилди. Аммо Ў.Камол ижодий кучининг асосий қисми ҳикоячиликка қаратилган бўлиб, улар асосан «Варлик», «Гун», «Сечилмиш ҳикайелер», «Япрак» журналларида нашр қилинди.

Қизиғи шундаки, турк адабиёти муаммолари билан шуғулланган совет адабиётшуносларида Ў.Камолдаги соф миллий, инсоний туйғулардан социалистик ғояларга ҳамоҳанглик қидиришга мойиллик яққол сезилади. Хусусан, Н.С.Яковлева ёзади: «Ў.Камолнинг «Ишташлаш» новелласида конкрет воқелик ўзининг инқилобий тараққиёт динамикасида тасвирланиши билан бир қаторда социалистик идеаллар ишчи-хизматчиларнинг *бу йўлдаги мақсадли кураш руҳида тарбияланишига хизмат қилади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Ў.Камол ўзининг энг яхши новеллаларида социалистик реализмга етарли даражада яқинлашади*» (таъкид бизники – П.К.).<sup>11</sup>

Бизнингча, Н.Яковлеванинг ушбу хулосасида бир нечта эътироз уйғотувчи жиҳатлар мавжуд. Биринчидан, ҳар қандай ишташлаш бу ҳали инқилоб дегани эмас. Ишташлашлар исталган вақтда, исталган жамиятда рўй бериши, аммо ҳеч қандай инқилоб (давлат тўнтариши)га олиб келмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларни тарих китоблари орқали яхши биламиз. Иккинчидан, ишташлашлар ҳеч бир социал идеалларсиз, шунчаки иқтисодий танқислик ёки иш берувчилар адолатсизлиги сабабли ҳам содир бўлади. Учинчидан, ишташлашлар доим ҳам меҳнаткашлар аҳволининг яхшиланишига, турмуш борасидаги ютуқларга олиб келмайди. Аксинча, ишташлашлар ишчи оилалари учун фожиали оқибатларни келтириб чиқарган ҳолатлар ҳам кўп учрайди. Тўртинчидан, ва энг муҳими, воқеликда содир бўлиши эҳтимоли аниқ бўлган бу каби фавқулдда воқеаларни тасвирлаш ёзувчи учун табиий ҳол деб қабул қилиниши лозим. Чунки жамиятнинг илғор фикрли, гуманистик ғояларга бой, аксарияти миллатпарвар ижодкор бўлган ёзувчилар бундай масалаларга бефарқ қарай олмайди. Албатта, ундан таъсирланади ва қаламга олади. Аммо реал ҳодисани реал шарт-шароит фонидида тасвирлаш ҳеч бир ёзувчини соцреализмга мансублаш ҳуқуқини бермайди. Шундай экан, Н.Яковлеванинг юқорида келтирилган фикрларини совет адабиётшунослигининг сунъий, зўрма-зўраки талқини сифатида баҳолаш адолат мезонларига зид келмайди, деб ўйлаймиз.

Умуман, бу давр ҳикояларида давр одамларининг ички дунёси муҳим

<sup>11</sup>Яковлева Н.С. Турецкий рассказ (40-70-е годы XX века). -Ленинград, 1982. -С.30.

бадийят объектига айланди. Денгиз ва денгизчилар ҳаётидан олинган ҳикоялари билан дунёга танилган Ҳаликарнас Балиқчиси (Мусо Жават Шакир Қабоғочли 1886-1973) асарларида ҳам шу жиҳат етакчилик қилади. «У «Эге соҳиллари»дан бугунги кунгача денгиз мавзуида кўплаб ҳикоялар ёзди».<sup>12</sup> Турк ҳикоячилигида денгиз мавзуининг кенг ёритилиши, шубҳасиз, шу ёзувчи ижоди билан боғлиқ. Ҳ.Балиқчисининг таржимаи ҳолига оид асарларда қайд этилишича, у ёшлигидан денгизчи бўлишни орзу қилган, ammo унинг бу орзуси ота-она томонидан рад этилган. Кейинроқ Оксфорд университетининг тарих факультетини битирган бўлажак адиб қалбида денгиз ҳақидаги ҳикоялар туғила бошлади. Шу тариқа ёшлигидан денгиз ҳақидаги эртаклар, афсоналар ва ривоятларни жон қулоғи билан эшитган ёзувчи пайти келиб ўз истеъдодини шу мавзудаги асарларда намойиш этади.

Замонавийлаштирилган фольклор сюжети ёзувчининг «Сув париси ороли» ҳикоясига асос бўлган. Халқ ҳикоялари, афсоналари таъсирида ёзилган бу ҳикояда сув париси образи ой нури воситасида тасвирланади. Ҳикоя қаҳрамони нурни, яъни сув парисини қувлаб тутишга уринади. Тутиб бағрига босмоқчи бўлганда эса «пари» эриб, кўздан ғойиб бўлади. Бу халқ афсоналарида учрайдиган пари қизлар билан боғлиқ фантастик мотивларни ёдга солади.

Бу даврнинг пешқадам ҳикоянависларидан яна бири халқона услубни туркона юмор билан уйғунлаштирган ёзувчи Азиз Несин (1915-1995)дир. У халқ юмори анъаналарига замонавий руҳ бағишлайди. У ёзма адабиётдаги юмор усталаридан (Ҳусайн Раҳми, Аҳмад Расим, Рафиқ Ҳолид, Усмон Жамол, Сермерт Мухтор ва бошқ.) фарқли ўлароқ, ўз услубини яратди, ҳикоячиликка «миллий турк юмор»ини олиб кирди.

А.Несинга хос ижтимоий реализм даврнинг ижтимоий ўзгаришлари, бу ўзгаришлар ичидаги инсон муаммосини тасвирлашда намоён бўлади. Ўз даври турк ижтимоий ҳаётидаги маънавий, маърифий, маиший, иқтисодий оқсашларни трагик ва комик пафослар уйғунлигида кўрсатишга эришади.

Ёзувчи Ториқ Буғро (1918-1994) ижоди ҳам турк реалистик ҳикоячилигида теран мазмуни, оригинал сюжети, ҳаётий образлари, айниқса, ўзига хос услуби билан ажралиб туради. Унинг 1948-1969 йиллар вақтли матбуоти саҳифаларида 82 та ҳикояси чоп этилган. Ториқ Буғро ҳикояларида рухий кечинмалар, ҳис-туйғулар таҳлили етакчилик қилади. Инсоннинг бахт-саодати, озодлиги йўлида ўзлигини фидо қилишга тайёр ёзувчи услубининг марказини инсон ички оламининг таҳлилий ифодаси ташкил этган, десак янглишмаймиз. Ториқ Буғро ҳикоячилиги услубини, шунга кўра, психологик тасвир услуби тарзида номлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки унинг ҳикояларида воқеалар баёни эмас, инсон ҳаёти давомида учраши мумкин бўлган мураккаб вазиятлар бадиий таҳлил қилинади. Уларда ягона макон ичидаги инсон ва у билан боғлиқ вазият ёки ҳолат тасвир этилади.

Хуллас, 1940-1960 йиллар турк ҳикоячилиги тараққиётида муҳим ўрин тутган давр ҳисобланади. Бу давр ҳикояларида мавзулар кўлами кенгайгани,

<sup>12</sup> İleri S. Türk Öykücülüğünün Genel Çizgileri // Hece. Türk Öykücülüğü Özel Sayısı. Sayı:286. 2008. -S.15.

образлар талқинида теран психологик тасвирлаш тамойили кучайгани, поэтика борасида қатор янгиланишлар майдонга келгани кузатилади. Бу давр насрида Онадўли халқининг турмуш тарзига эътибор кучайди. Замон ва цивилизация мароми олдида эсанкираган инсон мавзуи 1940-1960 йиллар ҳикоячилигида тасвир объектига айланди.

Диссертациянинг учинчи боби «**1960-1980 йиллар турк адибалар ҳикоячилиги**» масаласини ўрганишга бағишланган. XX асрнинг 1960-1980 йиллари турк насрида қатор специфик янгиланишлар билан бир қаторда яна бир муҳим жиҳат яққол кўзга ташланади. Бу адибалар ҳикоячилигининг тараққий этганидир. 1960-1980 йиллар турк адибалар ҳикоячилигини ўзига хос эстетик ҳодиса сифатида ўрганиш уларни икки гуруҳда таснифлаб таҳлил этишни тақозо қилади. Воқеликни бадиий талқин этиш тамойилига кўра, уларни монолог-ҳикоялар ва хотира асосида ёзилган ҳикояларга ажратиш мақсадга мувофиқ.

1960-1980 йиллар адибалар ҳикоячилигидаги монолог-ҳикоялар гуруҳини таснифлашда биз уларнинг монологик баёнлаш услуби ва кўпроқ аёл ботини талқинига қаратилганига асосландик. Бундай ҳикояларда воқеалар, асосан, аёл ички дунёсида содир бўлади. Фикр-хаёллар, мулоқотлар, зиддиятлар силсиласи аёл ички дунёсини ташкил этади. Шундай бўлгач, аёл дунёси монологлар, ҳатто диалоглар, ботиний конфликтлар шаклида юз бериши мумкин. Бу эса, ёзувчидан бадиий-психологик талқинни талаб қилади. 1960-1980 йиллар аёлларнинг монолог-ҳикоялари баъзи жиҳатлари билан Т.Буғро ҳикояларини эслатади. Аммо бунда фақат аёлга хос ботиний ҳолатларнинг нозик психологик баёни етакчилик қилиши ушбу ҳикояларнинг ўзига хослигини белгилаб беради.

Адабиётшунос У.Жўрақуловнинг М.Бахтин назарияси ҳақидаги тадқиқотида шундай фикр илгари сурилади: «М.Бахтинга қадар диалог ҳодисаси, асосан, икки акс кутб аро муносабатнинг диалектик бирлиги деб тушунилган. Бунда диалогик вазиятдаги акс таъсир ва бунинг натижасида пайдо бўладиган ҳаракатга урғу берилган. Осмон ер билан, эзгулик ёвузлик билан, кун тун билан, сув олов билан доимий зиддиятда яшайди, борлиқдаги барча катта-кичик ҳаракатлар, фаолиятлар айни қонуният асосида майдонга келади, деган ягона концепция илгари сурилган. М.Бахтин диалог назариясининг янгиллиги шундаки, у айни ҳодисанинг ягона кутб доирасида воқе бўлиш қонуниятини бадиий асар ва ундаги инсон образи таҳлили орқали очиб берди. Яъни жуфт ҳодисалар ўзаро зид ҳолатда диалогиклик касб этгани ҳолда, яққа ҳолатда ҳам ички диалогик структура ва мазмунга эга».<sup>13</sup>

1960-1980 йиллар турк адибалар монолог-ҳикояларида ички диалогнинг шунга яқин кўринишлари кузатилади. Бу эса ҳикоя услубининг ўзига хослигини таъминлаши билан бирга, аёл образи талқинининг муҳим хоссаларини ҳам намоён этади.

1960-1980 йиллар турк адибалар ҳикоячилигида бадиий баённинг

---

<sup>13</sup> Жўрақулов У. Михаил Бахтин кашфиётлари / М.Бахтин. Романда замон ва хронотоп шакллари. Рус тилидан У.Жўрақулов таржимаси. -Т.: Akademnashr, 2015. -Б.10.

монологик шакли етакчилик қилади. Бу ҳолат тасодиф бўлмай, ўзининг қатор бадий, ижтимоий, психологик сабабларига эга. Булар: а) худди шу йиллардан эътиборан ҳикоя жанрига аёл бош қаҳрамонлар кириб кела бошлагани; б) ижтимоий турмушда аёллар ролининг ошгани; в) жамиятда аёлларга нисбатан муносабатнинг ижобий томонга ўзгаргани; г) турк аёллари психологиясида ўзгаришлар бўлгани.

Назиҳа Мерич (1924-2009), Фирузан (1935), Томрис Уяр (1941-2003) ва Севинч Чўкум (1943) ҳикояларини ўрганар эканмиз, улардан юқорида қайд этилган поэтик талқин, услуб ўзига хосликларига бевосита гувоҳ бўламиз. Бу ёзувчилар ҳикоялари қаҳрамонлари ҳаёт ташвишларидан қийналган, ижтимоий, маиший муносабатлар чигаллигидан азобланган аёллардир. Қаҳрамонлар руҳий оламидаги кучли пўртаналар, ўлчовсиз изтироблар жўнгина оилавий муносабатлар, турмушнинг оддийгина ташвишларидан туғилади.

Монолог-ҳикоя намуналарини таҳлил қилиш учун икки ўзига хос турк адибаси - Назиҳа Мерич ва Фирузан ҳикоялари асос қилиб олинди. Чунки айнан шу ҳикоянавислар ижодида аёл руҳий олами монологик ҳикоялаш усулида ифодаланиши билан бир қаторда, уларнинг кейинги даврлар турк ҳикоячилиги тараққиётидаги ўрни ҳам ўзига хосдир.

Назиҳа Мерич 50-йиллар авлоди ёзувчилари сирасига мансуб. Замонавий Фарб ҳикояларини чуқур ўрганган, улардан ижодий таъсирланган Назиҳа Мерич турк адабиётшунослари томонидан «Жумҳурият даврининг илк аёл ёзувчиси» сифатида тан олинади.<sup>14</sup>

Н.Мерич ўз ҳикояларида аёл кечинмалари тасвирига бутунлай бошқача ёндошади. Унинг асарларида 70-йилларда турк ижтимоий муҳитида яққолроқ намоён бўла бошлаган курашчан аёл образи, 80-йиллардан эътиборан эса ўз озодлиги учун масъул, эркаклар дунёсида муросасиз кураш олиб бораётган, воқеликдаги зиддиятлардан изтироб чекаётган аёл тақдири бош мавзу даражасига кўтарилган. Адиба ҳикояларида аёлнинг жамиятдаги ўрни ҳаққоний акс эттирилади. Ёзувчи аёлнинг ҳаётга бўлган муносабатини қаламга олар экан, фақат аёлга хос бўлган нозик ботиний ҳақиқатларни кашф этади. Айни пайтда ижтимоий муаммолар гирдобида ўзлигини топишга уринаётган аёл оламини ижтимоий-психологик ҳолатлар синтези асосида бадий тасвирлайди. Аёл шахсининг ўз-ўзи ва жамият билан муносабатларини моҳирона бадий таҳлил этади. У ўқимишли, истеъдодли, зиёли аёл сифатида жамиятда эзилган, хўрланган, ҳақоратланган, эскирган урф-одатлар қурбони бўлган аёл қалбини ёритади. Назиҳа Меричнинг аёл ҳис-туйғуларига доир бадий кашфиётлари шунинг учун ҳам 1960-1970 йиллар адабий жараёни, ўзига хос тафаккур тарзи учун янгилик бўлди.

Умуман, Назиҳа Мерич ҳикоялари турк ҳикоячилигида шаклий янгиланишни бошлаб берди. У замонавий ҳикоячиликка ўзига хос шакл-мазмун бағишлади. Қисқа ҳажмли ҳикояларда шахс ички дунёсини батафсил акс эттиришга эришди. Умрининг охирларида ёзган ҳикояларида ички

<sup>14</sup> Feridun A. Edebiyatımızın Kadınları. Dünya Kitapları, İstanbul-2004. –S.46.

монологнинг мукамал бадий имкониятларини кашф этди. Унинг биринчи шахс тилидан ёзилган ҳикояларида биз юқорида келтирган М.Бахтин фикрларига монанд икки «мен» ўртасида кечадиган диалогик нутқ шаклига дуч келамиз. Бундай ҳикоялар марказидаги бош қаҳрамон, айти пайтда ҳикоянавис ҳамдир. «Каклик туркуси» ана шундай ҳикоялар сирасига киради.

Воқеликнинг адабиётда ҳаққоний тасвирланишида ёзувчининг дунёқараши, интеллектуал-эстетик савияси муҳим аҳамиятга эга. Ёзувчи ижодий услубининг шаклланиши адабиётда гўзал ижод намуналари пайдо бўлишига олиб келади. Унинг ҳаётни қандай кўриши, тушуниши ва қандай ифодалаб беришига қараб услубий ранг-баранглик ҳосил бўлади. Фирузан қаҳрамонлари кўпроқ кучли руҳий ғалаёнлар, чексиз маънавий таназзуллар исқанжасида акс эттирилади. Ҳаётнинг аччиқ зарбалари, турмушнинг аёвсиз синовлари натижасида шахслиги, маънавий олами имтиҳондан ўтаётган аёллар образи адиба ижодида етакчилик қилади ва улар турк ҳикоячилигидаги янги қаҳрамонлар силсиласини ташкил этади.

Ушбу бобда таҳлилга тортилган асарлар, хусусан, ҳикоя жанри намуналари ижодкор онгида сақланадиган муайян хотиранинг эстетик жиҳатдан қайта ишланган, бадий акс эттирилган нусхаси экани асосланган. Ҳаётий хотираларсиз ижод жараён мавжуд эмас. Ҳар қандай ёзувчи асар ёзар экан, ўз кўзи билан кўрган, ўзи иштирок этган, эшитган, таъсирланган ёки таъсирлантирувчи реал ҳаёт эпизодларига таянади. Шундан келиб чиқилганда, ҳаётий хотира қуйидаги кўринишларга эга бўлиши мумкин. Булар маълум маънода инсон организмдаги беш сезги, идрок ва онг билан бевосита боғлиқ:

1. Бевосита ёзувчининг ўзи иштирок этган воқеаларга доир хотиралар. Бундай хотиралар ижодкор онгидаги хотиралар ғаладонининг энг юқори бўлмасида сақланади. Ёзувчи айнан шу хотираларига кўпроқ мурожаат қилади ва қадрлайди. Бу жиҳатдан, айниқса, болалик хотиралари муҳим аҳамият касб этади.

2. Ёзувчи ўз кўзи билан кўрган, кузатган, аммо бевосита иштирок этмаган воқеаларга оид хотиралар. Бунда кузатилган, хотирада сақланган воқеаларнинг ижодкор онги ва ҳиссиётига кучли таъсир қилган нуқталари қамраб олинади.

3. Ижодкорнинг аждодлари, ўтмишда таниган, кўрган-билган одамлар томонидан ҳикоя қилинган воқеаларга оид хотиралар. Ёзувчи ҳаётининг маълум бир босқичида турли ижтимоий, маиший, психологик сабабларга кўра бу типдаги хотираларга қайтишга эҳтиёж сезади. Эшитган хотирасида қолган ҳаётий эпизодлар асосида асар ёзади.

4. Ўқиш, мутолаа орқали ёзувчи онгида шаклланган хотиралар. Бундай хотиралар орасида биринчи ўринни тарихий китоблар эгаллайди. Тарихий китобларда ўқилган, ёзувчини таъсирлантирган воқеаларни бадийлаштириш асносида тарихий романлар, қиссалар, ҳикоялар, драматик асарлар дунёга келади. Баъзан адабий хотиралар ҳам ижодкор онгида қайта тирилиши, янги шакл-шамойил касб этиб, тамомила бошқа бадий асар дунёга келиши мумкин. Бу адабиётшуносликда «адабий таъсир» деб юритилади.

5. Онг ости хотираси. Хотиранинг бу типи ижод жараёни учун ўта муҳим вазифани бажаради. Шу жиҳатдан хотиранинг биринчи типи (иштирок этилган)дан кам аҳамият касб этмайди. Ижод жараёнида ёзувчи дуч келган-у эътибор қаратмаган, аммо онг ости механизми томонидан «ёзиб кўйилган» хотиралар ижодий жараёнда муҳим роль ўйнайди. Дунёга келадиган асарнинг кўп ўринларида эпизодлар, қиёфалар, ҳиссиётлар кўринишида акс этади.

1960-1980 йиллар турк аёллар ҳикоячилигида бевосита хотирага таяниб ёзилган асарлар кўпчиликини ташкил этади. Уларда ҳаётий хотиранинг юқорида қайд этилган кўринишлари яққол кўзга ташланади. Шундан келиб чиқиб, ушбу бобда «хотира-ҳикоя»лар таҳлиliga ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Замонавий турк аёллар ҳикоячилигида хотира-ҳикояларнинг илк муаллифлари сифатида Томрис Уяр ва Севинч Чўкумни кўрсатиш мумкин. Кейинги даврларда уларнинг ижоди ҳикоянавис аёлларга самарали таъсир кўрсатди. Хусусан, Т.Уяр ҳикояларида аёл ички олами ассоциатив усулда (замон нуқтаи назаридан ортга қайтиш) таҳлил қилинади. Бу Т.Уяр ижодига хос етакчи бадиий усул ҳисобланади. У ўқувчилик, талабалик йилларида турк фольклори, классикаси, замонавий адабиёти билан бир қаторда жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини севиб ўқиди. Илк фаолиятини таржимадан бошлайди. А.Пушкин, Э.По, Г.Маркес, Л.Борхес, Т.Миллер, В.Вулф сингари қатор ёзувчиларнинг асарларини турк тилига ўгиради. Шу каби ўзига хос ёзувчилар ижоди унга самарали таъсир кўрсатади. Ҳикояларида турк халқ ҳикоячилиги, замонавий ҳикоя анъанасини жаҳон насри услуби билан синтезлайди. Шу тариқа турк адибалар ҳикоячилигига янгилик олиб киради.

Ёзувчининг «Хилватда кечган умрим» ҳикоясида бугун ва ўтмиш воқеалари қаламга олинади. Асар қаҳрамони – кампирнинг хаёлот оламини тасвирлаш воситасида ўтмишга мурожаат қилади. Унинг ёшлик даври, ота-онаси, ёшлигининг бахтиёр онлари тасвир этилади. Ҳикояда асар бош қаҳрамонининг табиатига монанд равишда ички монологик нутқдан фойдаланилади. Ёзувчи кампир портрети ва ички оламини тасвирлашда унга мос ботиний нутқ имкониятларини ишга солади.

*«Бўғзим ҳам торайган. Лукма ютолмайман, десам, устимдан кулишади. Уйқусизлигимга ҳам инонишмайди. Балки, шунинг учун ҳам хушёрдирман, бедордирман. Лекин бўш ўтирмайман, бунга уларни ишонтиришим қийин. Ҳа, апельсин яхши мева, аммо жуда нордон!»<sup>15</sup>*

Матндан маълум бўладики, қартайиб ҳеч бир ишга ярамай қолган кампир руҳиятида реал дунё (вақт) билан чуқур зиддият вужудга келган. Буларнинг барига кексалиги сабаб. У ўзи истаган тақдирда ҳам яшаб турган вақти талабларига жавоб бера олмайди. Ҳатто оғзига солинган луқмани ҳам ютишга қодир эмас. Атрофдагилар эса реал замонда яшашади. Шу сабабдан кампирни тушунишмайди. Айтган гапларига ишонишмайди. Кампирнинг

<sup>15</sup> Уяр Т. Хилватда кечган умрим / Бинафша. (тарж. П.Кенжаева). Мумтоз сўз, Т-2015. –Б.86.

ботинида кечаётган фожианинг илдизлари шунда. У ўзини яшаётган вақт учун номуносиб, ярқисиб деб билади. Шу сабабдан нажотни ўтмишдан қидиради. Беғубор болалиги, унда кечган бахтиёр онларини эслайди. Тўғрироғи, шу билан яшаб, хотиралари дунёсидан кўнглига таскин ахтаради. Реал замондаги ҳар бир ҳолат ва деталь – «уйқусизлик», «оила муҳити», «апельсин» – ихтиёрсиз тарзда уни ўтмиш билан боғлайди. Томоғи бўғилиб, луқма ютишга ярамай қолган кампир болалигидаги шодон кунларда еган нордон апельсинни хотирлайди. Апельсин детали орқали ота-онаси, севган кишиси Акромни, никоҳ кўйлаги, тўйи, барбод бўлган ҳаётини эслайди. Ўз кўргиликларига сабаб қидиради. Айни пайтда беғубор кунларига қайтар экан, енгил тортади. Қариликнинг оғир изтиробларидан поклангандек бўлади.

С.Чўкум ҳикояларининг аксариятида гўзаллик ва унинг бебақолиги ҳақидаги теран фалсафа акс этади. «Ҳозир» ёки «бугун» деган замон бирлигида яшаётган қаҳрамонлар учун гўзаллик фақат ўтмишда, хотиралар қатида сақланиб қолган ноёб тушунчадир. Шунингдек, бахт ҳам олис ёшлиқда қолиб кетган. Бугунги ҳаётида бахт тополмаган қаҳрамонлар киндик қони тўкилган, ўсиб-улғайган шаҳарча ёки қишлоғига қайтиб, бир пайтлар ўша жойларда яшаб, ҳис қилган гўзалликни топишга умид қиладилар. Аммо ўша пайтлардаги кўчалар, қишлоқлар, шаҳарчалар бутунлай ўзгарган, гўзалликлар вақтнинг бешафқат тегирмонига тушиб майдаланиб, йўқ бўлиб кетган. Ойдин ҳаёт ва бахт излаб келган қаҳрамонларнинг топганлари эса фақат ва фақат хотира. Биргина илинж, биргина таскин шу.

Ёзувчининг «Эски кўча овози» ҳикоясининг илк сатрлариданоқ инсонларга хос умумий, айни пайтда ноёб туйғулар тасвирига дуч келамиз. Бу тасвир қаҳрамон қалби тубидаги ўкинч ва армонлар билан уйғунлашиб кетган:

*«Bir zamanlar, bu sokağın bütün evleri ahşaptı. Şimdi onların boşluklarına yerleşmiş apartmanların soğuk yüzlerinde, kayıp tahtaların ruhlarını arıyorum.*

*Kapıların önüne, kilim serip oturmuş, iç çeken, gülen, kahve içen, yıldızlara doğru sigarasının dumanlarını savuran bir sürü insan geçiyor gözümün önünden.»<sup>16</sup>*

*«Бир пайтлар бу кўчада ёғоч уйлар бўларди. Энди эса уларнинг ўрнини кўп қаватли биноларнинг тунд қиёфаси эгаллабди. Мен улардан эски уйлар руҳини излайман. Эшик остонасида шолча ёзиб ўтирган одамлар – ўй сураётган, қаҳқаҳа отган, қаҳва ичаётган, юлдузларга қараб сигарета тутатаётган тумонат одамлар кўз ўнгимда намоён бўлди».*

Ёзувчининг аксарият ҳикояларида хотиралар асар воқеаларига, қаҳрамонлар ҳолатига кўчирилади. Ўтмиш ва бугун кечинмалари бир-бири билан боғланади. Унинг «Қадимда» ҳикояси ҳам ана шундай бугун ва ўтмиш кечинмалари асосида ёзилган ҳикоялардан бири ҳисобланади. Асар қаҳрамонининг кўз ўнгида ёшлиги, бирга улғайган дўстлари, кўни-кўшнилари ва кекса яқинлари гавдаланади.

Умуман, Томрис Уяр ва Севинч Чўкум ҳикояларида аёлнинг руҳий

<sup>16</sup> Çokum S. Bir Eski Sokak Sesi. Kapı Yayınları. İstanbul-2014. –S.9.

оламини очиб беришда аёлнинг сирли хотираларини асос қилиб олади. Психологик тасвир, монологик нутқ, образлар ва воқеаларнинг ассоциацияга қирилиши бу адибалар ҳикоячилигининг ўзига хос жиҳатларидир.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**1990 йиллар турк модерн ҳикояларининг поэтик ўзига хослиги**»ни ўрганиш кўзда тутилган. XX асрнинг 80-йилларидан эътиборан турк ҳикоячилигида реалистик анъаналар изчил давом этиши билан бирга янгича шаклий изланишлар ҳам кўзга ташланади. Турк ҳикоячилигида инсон маънавий олами, дунёқараши ва туйғуларини бадиий акс эттириш тамойиллари янгиланиб, ички оламини бадиий талқин этиш тамойиллари илгари сурила бошлади. 1980-1990 йилларда турк адабий жараёнида Ғарб модернизми, авангард адабиётига қизиқиш кучайди. Ж.Жойс, Ж.-П.Сартр, А.Камю, Ф.Кафка, В.Вулф асарлари ўқилиб, таржима қилинди. Модернизм эстетикасига оид илмий адабиётлар ўрганила бошланди.

Бу давр турк адабиётида жаҳон модерн адабиёти намояндаларининг йирик асарларини қизиқиб мутолаа қилиш билан бирга, улардан таъсирланиб асарлар ёзиш жараёни бошланди. Аҳмад Ҳамди Танпинар, Саид Фоик сингари адиблар ижодида кузатилган модернистик ҳикоя жанри Юсуф Отилган (1921-1989), Ферид Эдгу (1936), Нозли Эрой (1945), Мустафо Қутлу (1947), Селим Илери (1949), Муродхон Мунган (1955) каби ёзувчилар ижодида, айниқса, ривожлантирилди.

Умуман, 60-йиллардан бошлаб, жанрнинг янги ифода шаклларини излаш натижасида ижодкорлар қисман бўлса ҳам, модернизмнинг баъзи хусусиятларидан фойдаландилар. Адабиётшунос И.Кулоҳлиўғлининг фикрича, «Уларнинг биринчиси ёзувчи Юсуф Отилган ҳисобланади».<sup>17</sup>

Юсуф Отилганнинг аксарият қаҳрамонлари ҳаётдан норози, эркинликка, мустақилликка интилувчи, атрофидаги ҳиссиз, туйғусиз одамлардан безиган инсонлардир. Бу қаҳрамонлар одамлардан узоқлашгиси, ўз «ички олами»да яшагиси келади. Адибнинг «Уйдаги» ҳикояси қаҳрамони ҳатто туққан онасидан ҳам бегонасирайди:

*«-Yarın Fatmahanımlar gelecekmiş seni görmeğe, dedi.*

*-Yarın evde yokum ben.*

*-Nereye gideceksin?*

*-Hiç, ama yokum evde. Çıkam. Kaç kere söyledim sana, evlenmek istemiyorum ben.*

*-Elalem ne diyor biliyor musun? Eksiği var onun, diyor.*

*-Ne derlerse desinler. İstemiyorum. Kaçınıcı bu? Üstüme varma benim. Kaçarım yoksa. Satarım babamdan kalan bağı, tarlayı; alır başımı kaçarım.*

*Gözleri büyüdü. Kalktı, karıyı çarptı gitti. Dışardan sesini duyuyorum. Rezil etmişim onu ele güne. Herkes kendini düşünüyor. İleniyor bana, sesinden belli ağlıyor da. Ben de ağlamak istiyorum.»<sup>18</sup>*

*«- Эртага Фотимахоним сени кўришга келмоқчи, - деди.*

<sup>17</sup> Külahlıoğlu İ.A. Cumhuriyet Dönemi Türk Hikayesi. Yeni Türk Edebiyatı (1839-2000). Edit. Ramazan Korkmaz. Ankara-2015. –S.364.

<sup>18</sup> Atılğan Yu. Evdeki / Bütün Öyküleri. Yapı Kredi Yayınları. İstanbul-2002. –S.12.



- Мен эртага уйда бўлмайман.  
- Қаерга кетмоқчисан?  
- Ҳеч, ўзим, уйда йўқман. Чиқмайман. Неча марта гапирдим-а турмушга чиқишни хоҳламайман, деб.

- Қизгинам, нима деяётганингни биласанми ўзи? Эшитган-билган киши қизининг айби бор, демайдимми?

- Ким нима деса, десин. Истамайман. Бу нечанчиси? Мени мажбурлама, бўлмаса, уйдан қочиб кетаман. Отамдан қолган боғни, далани сотаман-у бу ерлардан бош олиб кетаман.

Онамнинг кўзлари мошдек очилди. Ўрнидан турди ва эшикни қарсиллатиб ёпди-кетди. Нолиётган овозини эшитдим. Уни элга-юртга шарманда қилибман. Ҳамма ўзини ўйлайди. Мени қарғаяпти, овозидан йиғлаётгани ҳам маълум. Мен ҳам йиғлашни хоҳлайман».

И.Кулоҳлиўғли ёзганидек, бу ҳикояда модернизмга яқин унсурлар бор, бироқ айнан солиштирилганда, бу ҳикоя қаҳрамони на модерн, на постмодерн адабиётлари қаҳрамонига яқин. Ҳикоя қаҳрамони ҳеч бир жиҳатдан ҳаётни, воқеликни, Худони инкор қилмайди, тақдирга қарши исён кўтармайди. Жамият ва ўз-ўзидан бегоналашган дейишимизга ҳеч қандай асос бермайди. У бор-йўғи ўз тенгдошлари қатори бахтини топиб кета олмаган, ҳатто онасидан ҳам худди шу сабаб бегоналашиб қолган оддий Шарқ кизи, холос. Агар биз бу қаҳрамонга Ғарб модернизми фалсафасига хос «бегоналик», «ёлғизлик» категорияларини сунъий равишда тикиштирадиган бўлсак, унга ҳам, ҳикоя муаллифига ҳам тухмат қилган бўламиз. Шу нуқтаи назардан турк адабиётшуносларининг Ю.Отилган ижодини модернизм, ҳатто постмодернизм билан боғлашларига қўшила олмаймиз.

«Катак ташқарисидаги олам» асаридаги ҳикоячи-қаҳрамон ўз катагидан қочишни ўйлаган товукдир. Товук ва катак параллелизмида эркинлик мавзусини ёритган ёзувчи учун «катакнинг нариги томони» - қолиплардан четга чиқиш, ўзи кўмсаган, кутган ҳаётни топишдир. Асардаги катак хўжайини – қалби пок аёл, «ҳикоячи товук, хўроз ва нариги товуклар ижтимоий ҳаётнинг нусхаси ҳисобланади».<sup>19</sup> Адабиётшунос Ҳ.Ишиқнинг бу фикрига тўла қўшилиш мумкин. Товук тилидан ҳикоя қилинаётган воқеа ва кечинмалар ижтимоий асосга эга. Бу, ўша даврдаги ижтимоий-маънавий талаблар натижасида ўзини ҳуқуқлари поймол этилган деб ҳисоблаган, бунга қарши ожизона режалар тузган аёл тимсолидир. Бу ерда ёзувчи Шарқ ривоятчилигига хос аллегория усулини қўллаган. Ўз ижтимоий фикр-ғояларини товук тилидан ифодалаб, ҳикояга масал тусини берган.

Ҳикоя қаҳрамонлари қарама-қарши характерлар, зиддиятли воқеалар фониди тасвирланади. Қаҳрамонлар аламзада, ички нафратга тўла, пессимистик кайфиятда умр кечирадилар. Аксар товук ва хўрозлар орзу қилишни унутганлар, шу ҳаётга кўникиб бўлганлар. Чунки Оппоғимдан бошқа паррандалар ҳам шу кайфиятда яшаб ўтганлар. Оқибатда ҳаётнинг бир

<sup>19</sup> Işık H.C. Türk Öykücülüğünde 1950 Kuşacağı ve Varoluşçuluk. Yüksek Lisans Tezi. T.C. Celal Bahar Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Yeni Türk Edebiyatı Anabilim Dalı. Manisa-2008. –S.96.

шафқатсиз ҳақиқатига иқроор бўлганлар: «Хўроз ҳамма жойда бир хил қичкиради» ёки «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар жойда бор тош-у тарози!» Шарқона аллегория усулида ёзилган бу ҳикоя мана шундай чуқур Шарқ фалсафаси билан тўйинган хулоса билан яқун топади.

Ферид Эдгунинг «Жаллоднинг ўлими» ҳикоясидаги бош қаҳрамонлар - ота ва ўғил. Шу икки қаҳрамон ўртасидаги муносабат ҳикоя сюжетини ташкил этади. Ота - жаллод. Ўз вазифасига тобе давлат ишчиси. Ўғлининг ҳам бир касб эгаси бўлиши, хусусан, ўз касбини давом эттиришини хоҳлайди. Жиноятчини қатл этиш (ҳукмни ижро этиш)ни ҳам хизматчилик, котиблик, давлат магазинларида сотувчилик сингари қонуний бир “лавозим” деб ҳисоблайди. Унинг ўз касбига бўлган муҳаббати шу даражадаки, ҳатто қатлга ҳукм қилинган одамнинг кимлигига ҳам қизиқмайди. Фарзанд эса ота касбини давом эттиришга мажбур. Аммо у буни хоҳламайди. Дастлаб уйдан, бора-бора ўзидан қочишга уринади. Бир куни бунинг бефойдалигини англаб, уйга қайтади. Қанчадан-қанча жиноятчини қонун бўйича қатл этган жаллоднинг ҳаёлида ўлим ҳукм орқали амалга ошириладиган табиий жараён, инсон ҳаётининг бир кўриниши ҳолос. Шу сабабли ҳам у «ўлим фариштаси»га қонунлар ҳақида гапиради, ваҳоланки, ажал ҳеч қандай қонун-қоидага бўйсунмайди. Ҳикоя хулосаси эса «Ажал ҳеч бир инсоний қонун-қоидаларга бўйинсунмайди, ажал фариштаси Яратган буюрган паллада пайсалга солмай инсон жонини олади», деган ислом Шарқига хос фалсафага олиб келади ўқувчини. Бу жиҳати билан Ф.Эдгу ҳикоячилиги Ғарб фалсафасидан юқорироқ поғонага кўтарилади ва дунёнинг абсурдлиги ҳақидаги таги пуч қарашларни инкор этади.

Ф.Эдгунинг баъзи ҳикоялари жуда ҳам қисқа бўлишига қарамай, улар моҳиятида чуқур фалсафий мазмун мужассамлангани кузатилади. Бундай асарлар турк адабиётшунослигида «минимал ҳикоя» (minimal öykü) атамаси билан юритилади. Ф.Эдгу «минимал ҳикоя»ларининг энг аҳамиятли жиҳати шундаки, уларда воқеадан кўра ҳолат тасвири муҳим ўрин тутди. Адибнинг «Остона», «Кетиш они» ҳикояларида шарқона ўлим ва ҳаёт фалсафаси рамзлар воситасида реаллаштирилади. Ўлим ҳақида сўз юритилар экан, умрнинг мазмуни хусусидаги улуғвор қарашлар илгари сурилади. Дунёга келиб ҳеч нарсага эришмаган одамнинг ўлими ҳам ҳеч нарсага арзимайди деган фикрни бадиий талқин этадилар.

### *Giderayak*

*Burda çok iyiyim, dedi.*

*Rahat mısın? dedim.*

*Çok rahatım. Hayatımda hiç olmadığı kadar.*

*Öyleyse, üzerine toprağı gönül rahatlığıyla örtebiliriz, dedim.*

*Evet, evet dedi.*

*İlk toprağı (iki kürek) ben attım. Sonra tüm dostları.<sup>20</sup>*

<sup>20</sup> Edgü F. Giderayak / İşte Deniz, Maria. Yapı Kredi Yayınları, İstanbul-2002. –S.69.

## *Кетиш они*

*Бу ерда жуда яхшиман, деди.*

*Осойиштамисан? - дедим.*

*Жуда ҳам ҳаловатдаман. Ҳаётим давомида буни ҳис қилмаган эдим.*

*Ундай бўлса, тупроқни устингга бежавотир сочамиз, дедим.*

*Ҳа, ҳа, деди.*

*Илк тупроқни (икки курак) мен отдим. Кейин эса ёр-биродарлари.*

Ҳикояда муносиб ўлим топган, ўлимидан рози, бахтли инсон образи яратилган. Кичик воқеа ёки ҳолатни кенг тасвир полотносига кўчириш Ф.Эдгу услубининг асосий хусусиятидир. У инсон ва макон бирлигига катта бадий вазифа юклаб, матнга олиб кириш орқали шахснинг бугунги куни ва бугунги қароргоҳи ҳақида аниқ тасаввур беради. Адиб матн ичи ва матн ташқарисидаги рамзларга бой ихчам ҳикояларида ортиқча тафсилотлардан кечиб, реал ҳақиқат моҳиятини қисқа, лўнда очиб ташлашга муваффақ бўлади. Унинг ҳикояларида «Мен» турли кўринишларда намоён бўлади: «мен» – ҳикоя қаҳрамони; «мен» – ҳикоячи; «мен» – ҳикоя муаллифидир.

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб турк ҳикоячилиги шакл-мазмун жиҳатидан янада тараққий эта бошлади. Турк адабиётшунослари бу даврни «Янги изланишлар даври» деб номлайдилар. Бу давр ҳикоячилиги Яшар Каплан, Нурсел Дуруэл, Хусайн Су, Жемил Кавукчи, Ўзжан Карабулут, Айла Кутлу, Муродхон Мунган, Мехмет Гурели, Букек Узунер, Аҳмад Юрдакул, Моҳир Ўзтош, Куршат Башар, Комил Дўрук, Фарида Чичекўғли, Айфер Тунч, Мустафо Кутлу, Селим Илери, Жамол Шакар, Содик Ёлсизучанлар сингари янги номлар билан бойиди. Уларнинг ҳикояларида жанр имкониятлари ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан кенгайди. Жанр таркибига фалсафий-бадий, индивидуал-психологик, ижтимоий-маиший ҳикоя унсурлари кириб кела бошлади. Ғарб адабиётидаги кўринишлари билан муштарак бўлмаса-да, миллий эстетика турк насри доирасида шаклланган ва модернизм, постмодернизм элементлари пайдо бўлди.

М.Кутлу ҳикояларида кичик портретлар тасвири орқали катта фалсафий ғояларни талқин этиш, образ ва характер индивидуаллигини таъминлаш сингари бадий приёмлар етакчилик қилди. Адиб ўз услуби, воқеликка чуқур мушоҳадавий ёндашуви, ботиний ҳақиқатларни реаллаштиришга интилиши билан Ф.Достоевскийга хос теран ва шафқатсиз реализм анъаналарини ёдга солади. У турк тили ва шеваларига хос унсурлардан, турк халқи турмуш тарзи учун характерли бўлган кундалик нарса-ҳодисалар ва деталлардан маҳорат билан фойдаланади. Қаҳрамон ижтимоий ҳолати, ҳатто хаёлот олами билан боғлиқ деталлар ҳам ёзувчи эътиборидан четда қолмайди. Унинг ҳикояларида образ суврати сийратнинг, сийрати эса сувратнинг бадий-эстетик очқичи бўлиб хизмат қилади. Унинг «Ҳаёт гўзалдир» (2011) ҳикоялар тўпламида табиат образи, пейзаж тасвири устуворлик қилади. У инсон характери талқинида тамомила янги усулни қўллайди.

Бизнингча, турк адабиётшуносларининг М.Кутлу ҳикояларида постмодерн унсурларини кўришлари унинг ижодига хос шундай жиҳатлар билан боғлиқ. Жаҳон адабиётида постмодернизм оқимининг машҳур

вакиллари сифатида танилган Л.Х.Борхес, Х.Картосарлар ижодида турли адабий, фольклорий, илмий ва фалсафий манбалардан олинган иқтибосларни қориштириш, улардан асар ғоясига хос система бунёд этиш тажрибаси бор.

Мутахассислар постмодернизм ҳақида турлича фикрларни илгари сурадilar. Хусусан, адабиётшунос Д.Қуроноф: «Француз постструктурализмнинг деконструкция (Ж.Деррида), постфрейдизмнинг «шизоанализ» ва «онгсизлик тили» (Лакан, Ж.Делёз, Ф.Гаттари) таълимотлари ҳамда семиотикадаги киноявийлик концепцияси (У.Эко) постмодернизмнинг фалсафий асосини ташкил қилади», - деб ёзади.<sup>21</sup> Проф. М.Холбеков уни: «XX аср иккинчи ярми ижтимоий ҳаёт ва маданиятдаги структур жихатдан ўхшаш ҳодисаларни ифодаловчи атама бўлиб, фалсафий тафаккурнинг классицизм давридан кейинги ҳолати ҳамда бадиий санъатдаги бир қатор услубларни таърифлаш учун қўлланиб келинмоқда. Постмодерн – бу ўзига хос хусусиятларга эга фалсафий негизга таянган модернизмдан олдин ва ундан сўнгги санъатни, шунингдек, даврнинг оммавий маданиятини ўз ичига қамраб олган замонавий маданиятнинг кўринишидир», деб ёзади.<sup>22</sup> Турк олими Т.Қоратош эса: «Модернизмга қарши туғилиб унинг танқиди устига қурилган ва алтернатив асарлар яратишга интиланган санъат ва фикрлар оқими. Постмодернизм зиё тарқатиш билан бирга инсонни марказга қўйиб ижодда ҳам мустақил бўлган модернизмни / замонавийликни ва унинг тушунчалари билан юзага келган санъат асарларини сўроқлаган, рад этган, танқид қилган тушунча, дейишимиз мумкин», - деган фикрни илгари суради.<sup>23</sup>

Кўринадики, постмодернизм адабиёти кўпроқ замонавийлик ва оммавий маданият, янгидан шаклланган қоришиқ санъатлар билан боғлиқ. Аммо М.Қутлу ижодида кузатилган тасвирларда шу жихатларнинг бош планга чиқарилганини кўрмаймиз. М.Қутлу ташқи томондан постмодернга ўхшаб кетадиган, аммо моҳиятига кўра шарқона, миллий усулни тақдим этган. Унинг асарларидаги реалистик мазмун шаклбозлик, сўз ва ҳиссиётлар ўйинидан иборат Ғарб постмодернизмдан юқори туради.

«Ҳаёт гўзалдир» тўпламидаги аксарият ҳикоялар табиат ҳодисалари тасвирига бағишланган. «Гул тафсири», «Шафақ ранги», «Булбул интиқоми», «Ҳар кушнинг ўз шоҳи бор», «Шамолнинг ўғли», «Охирги икки ёз», «Юлдуз тўзони», «Акация гуллайдими?» сингари ҳикоялар шулар жумласидандир. Мавзу ва ифодавий мазмун жихатдан М.Қутлу ҳикоялари ўзбек ёзувчиси Н.Эшонқул ҳикояларига ўхшаб кетади. Н.Эшонқул ҳикоялари мавзуси ҳам юқорида таъкидланган ҳикоялар мавзусига монанд. «Шамолни тутиб бўлмайди», «Ялпиз ҳиди», «Тўзон» сингари ҳикоялари шу жумлага киради. Шунингдек, М.Қутлу асарларида бадиий рамздан самарали фойдаланади. Рамз воситасида қахрамонлар оламига кириб боради, ҳикоя моҳиятини очишга муваффақ бўлади. Баъзи ҳикояларнинг сарлавҳалари ҳам М.Қутлу

<sup>21</sup> Қуроноф Д. Мамажонов З. Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Академнашр. Т-2010. –Б.227.

<sup>22</sup> Холбеков М. Постмодернизм назарияси / XX аср модерн адабиёти манзаралари: мақолалар тўплами, мумтоз сўз нашр., Тошкент-2014. –Б.311.

<sup>23</sup> Karataş T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlüğü. Sütun Yayınları. İzmir-2014. –S.473.

ижодида рамз вазифасини ўтайди. Масалан, «Эшик» ҳикоясини олайлик. Ҳикоянинг «Эшик» деб номланиши бежиз эмас, чунки эшик ортида «турли ўйинлар, ҳийла-найранглар» бор, демоқчи бўлади ёзувчи. Бу билан дунё эшигидан кириб келган ҳар бир инсон шундай муаммоларга дуч келади, деган фикрни айтмоқчи бўлади у. Н.Эшонқул ижодида ҳам М.Қутлу ҳикоясига ҳамоҳанг ҳикоя бор. Унинг ҳикояси «Очилмаган эшик» деб номланади. Ҳикоялар мазмунан бир-бирини такрорламаса-да, моҳиятан яқин. Айтайлик, орзуларнинг армонга айланиши масаласи.

Турк ҳикоячилигида ҳажман қисса жанрига тенг ҳикоялари билан машҳур ёзувчилардан бири Селим Илеридир. Инсоннинг ички олами, руҳиятидаги эврилишлар, ҳис-туйғулар тасвири адиб ижодининг энг муҳим хусусиятларидан саналади. Ҳикояларда вазият-ҳолат, жараён турли ракурсларда акс эттирилади. Асар қаҳрамонлари психологик жиҳатдан тадқиқ ва таҳлил этилади. С.Илери инсон ҳаётидаги унинг ўзига сезилмайдиган мураккаб жиҳатлар, кўзга ташланиб турмайдиган руҳий ҳолатлар тасвирига кўпроқ эътибор қаратади. Унинг кўпчилик ҳикояларида адибнинг дунёни англаш, унинг моҳиятини адабий персонажлар тақдири орқали акс эттириш маҳорати кучли намоён бўлади. Ҳикоя жанри имконияти ёзувчининг ўз адабий мақсадига эришишига анча ўнғайлик беради.

Унинг «Келинлик қиз» ҳикояси «қайғули ишқ» ҳақида. Бу ҳикояда асар қаҳрамони бўлган болакайнинг онаси билан бирга меҳмонга бориши ва бу уйда яхши кўрган опаси Инжила, унинг оиласи, унаштириш арафасидаги кўнгилсизликлар, Инжиланинг ҳасратда кечган кунлари, эски Истанбул одамларининг меҳмондўстлиги, ўзига хос руҳий қиёфаси тасвирланади. Ҳикоя қаҳрамони Инжила турк халқининг ор-номусли, ибод-ҳаёли, андишали, ғурур-шаънига садоқатли аёлларидан бири сифатида акс эттирилади.

Кўринадики, С.Илери ҳикояларида турк жамиятидаги янги замон кишисининг психологик ҳолатлари, ҳаётининг муаммолар гирдобидида қолган шахс изтироблари, ёлғизлик, худбинлик ва меҳрсизлик фожиаси ёритилади. Қаҳрамонлар руҳиятидаги эврилишлар қаламга олинади. Бунда С.Илерининг жаҳон модерн насри анъаналаридан фойдалангани маълум бўлади. Аммо С.Илери ижоди ҳам бошқа турк замонавий ёзувчилари каби миллий адабиёт доирасида янги сюжетлар, образлар, деталлар, ифода шакллари намоён этишдек турк эстетик тафаккури тамойилларига содиқ қолгани билан эътиборга моликдир.

Умуман, турли маданиятлар, фалсафалар, адабий манбалар, рамзий кўриниш, образлар, услуб мавзу доираси, ғоявий йўналишларини ўзида синтезлаган 1990-2000 йиллар турк ҳикоянавислиги бадиий шакл ва воситалари билан янги ҳодиса сифатида жаҳон адабиёти тарихидан ўзига муносиб ўрин эгаллайди.

## ХУЛОСА

XX аср турк ҳикоячилиги қатор поэтик босқичларни босиб ўтди. Турк фольклори, анъанавий Шарқ мумтоз поэтикаси, XX аср турк ҳикоянавислиги тараққиёти тамойиллари, жаҳон насри анъаналари янги турк ҳикоячилиги

поэтик тамойилларининг юзага келиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Бу жараёнда индивидуал ижодкорлар истеъдоди, бадиий маҳорати муҳимлиги тадқиқ этилди ва қуйидагича хулосаларга олиб келинди:

1. Турк адабиётида реалистик ҳикоянинг юзага келиши халқ ижодиёти теран илдизларига бориб тақалади. Турк фольклорида мавжуд миф, афсона, эртақ, таҳкие, халқ ҳикоялари ва ҳикоятлари замонавий ҳикоянинг пайдо бўлиши учун асос вазифасини бажарган. Халқ дostonлари, хусусан, «Китоби Дада Қўрқут» ҳикояларининг ҳам турк реалистик ҳикоячилигидаги илк шаклланиш жараёни учун аҳамияти чексиз. Айни пайтда, турк мумтоз адабиёти вакиллари томонидан араб, форс адабиётидан қилинган таржималар, миллий анъаналар таъсирида пайдо бўлган турк мумтоз ҳикоянавислиги анъаналари, XIX аср охирларига келиб, жаҳон ҳикоячилиги, хусусан, француз ҳикоячилигидаги ҳикоя жанрига хос хусусиятларни турк ҳикояси билан синтезлаш асосида миллий ҳикоя жанри янги бадиий тамойиллар билан бойиди.

2. XIX аср охири ва XX аср бошларида турк ҳикоячилиги ўзига хос шаклланиш, такомил босқичларини босиб ўтди. Танзимот ҳодисаси турк реалистик ҳикоячилиги учун муҳим ўрин тутди. Жаҳон ва Ғарб маданияти билан тизимли ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг йўлга қўйилиши, халқ ижтимоий ҳаёти, маиший турмуши, дунёқараши, психологиясида рўй берган ўзгаришлар, биринчи навбатда, энг фаол насрий жанр - ҳикояда ўзининг бадиий ифодасини топди. «Сарвати Фунун» даврига келиб, санъатнинг тарбиявий роли билан бир қаторда, унинг энг муҳим ва азалий функцияси – ўқувчида эстетик завқни камол топтириш олдинги планга чиқди. «Фежри Оти» ижтимоий-маданий ҳаракати вакиллари адабиётни ижтимоий, фалсафий қарашлар воситаси сифатида эмас, айнан мақсаднинг ўзи сифатида талқин қилдилар. Адабиёт марказига «гўзаллик» категорияси кўтарилди. Услубда ноанъанавийлик, рамзийлик, санъаткорлик тамойиллари бош мақсадга айланди. «Генж каламлар» («Ёш қаламкашлар») журнали атрофида жипслашган ёш ижодкорлар авлоди турк ҳикоячилигида яна бир самарадор босқичга асос бўлиб хизмат қилди. Бу давр ҳикоянавислари «миллий адабиёт» ғоясини ривожлантирдилар.

3. Мамдуҳ Шавкат турк ҳикоячилигида янги йўналишни бошлаб берди. Адиб янги услубда турк халқи реал ҳаёт тарзини ёрқин тасвирлашга эришди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Чехов ҳикояларининг илк маротаба турк тилига ўгирилиши турк носирлари учун катта воқеа бўлди. 20-йиллардан 30-йилларга қадар Эсендал йўлида ижод қиладиган ҳикоянавислар авлоди етишиб чиқди. Рашод Нури Гунтекин, Пеями Сафо, Усмон Жамол, Фаҳри Жалололдин каби ёзувчилар шулар жумласидандир.

4. XX асрнинг 20-30 йиллари ҳам турк ҳикоячилиги такомил ва жанр поэтикаси нуқтаи назаридан самарали давр бўлди. Бу давр турк ҳикоячилиги жанр тадрижи билангина эмас, балки жанр мезонлари, бадиияти жиҳатидан ҳам юксак даражага эришди. Шу пайтгача турк ҳикоячилигида кузатилмаган реал ҳаётдан олинган сюжетлар, «кичкина одам», «қишлоқ одами», «қашшоқ одам», «эзилган аёл» образлари пайдо бўлди.

5. 30-йиллардан кейин Саид Фоикнинг инсон ва жамият мавзусидаги ҳикоялари табақаланган халқ, турли хавф-хатарлар ичра яшаётган инсон, ишчи ва ишбошчи, ташландиқ, бегона одамлар тасвири билан янгилик касб этди. Сабоҳаддин Али ижоди ҳам бу давр ҳикоячилигида ижтимоий муаммоларни ҳаққоний талқин этгани эътиборга молик. У салафлари (У.Сайфиддин, М.Эсендал, С.Фоик) бошлаб берган ижтимоий мавзуни тубдан янгиледи. Асарларида бир оз соцреализм адабиётига мойиллик сезилса-да, XX аср турк жамиятига хос ҳаёт ҳақиқатини тасвирлаш тамойилидан чекинмади. Новаторона ҳикоялари билан миллий ҳикоячиликни янги бир босқичга олиб чиқди.

6. 1940-1960 йиллар турк ҳикоячилигидаги услуб масалалари ҳақида сўз борганда, бу давр ҳикояларида бадий услубнинг ранг-баранг бўлишида ўзининг ижодий дунёкараши, истеъдоди, ҳаётни идроклаш, бадий акс эттириш принциплари билан ўзгартирган ёзувчилар ижоди муҳим ўрин тутди. Бунда энг аввало Ўрхон Камол асарлари, ёзувчи ижоди учун бош мавзу ҳисобланган қуйи табақа вакиллари турмуш йўлларини тасвирлаш, уларга нисбатан муаллифнинг гуманистик муносабати ушбу ҳикоялар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилди. Ў.Камол услуби ёш турк ҳикоянавислари томонидан изчил давом эттирилди.

7. Турк реалистик ҳикоячилигида ўз услуби билан танилган иккинчи ёзувчи Ҳаликарнас Балиқчиси тахаллуси остида ижод этган Мусо Жават Шакир Қабоғочлидир. У, Ў.Камолдан фарқли ўлароқ, турк ҳикоячилигига денгиз ва денгизчилар ҳаёти мавзусини олиб кирди. Туркия мамлакатининг географик жойлашув ўрни, денгиз бўйида яшайдиган туркларнинг турмуш тарзи, қолаверса, Мусо Жават Шакир Қабоғочлининг денгизу денгизчиларнинг халққа яқин услубда ёзилиши ва ҳаётига бўлган муҳаббати унинг янги ҳикоя композицияси ва услубини топишда муҳим омил бўлди.

8. Азиз Несин ижоди халқ кулгиси билан ижтимоий трагизмни ўзаро уйғунликда акс эттириши билан қимматлидир. Унинг ҳикояларида халқ ижодига хос латифа, аския, ҳажвий ҳикоя, масал, матал, мақол муҳим ўрин тутди. Торик Буғро услуби эса инсоннинг ботиний, психологик ҳолатларини теран идроклаш, тасвирлашга уринишлар жараёнида шаклланди. Т.Буғро ҳикояларидаги ўзига хос тасвир принципи турк адабиётида психологик тасвир йўналишини бошлаб берди. Бу услуб 1940-1960 йиллар ҳикоячилигининг замонавий турклар – эркаклар, аёллар, болалар, кексаларнинг зоҳирий дунёсидан ботиний дунёсига, шахсияти тасвиридан ички «мен»и таҳлилига ўтганидан далолат берди.

9. 1960-1980 йиллар турк насрида адибалар ҳикоячилиги бўртиб кўринади. Бу ҳикоялар ўзигача бўлган эркак ёзувчилар ҳикоячилигидан услуб, образ, сюжет, психологик талқин усули, айниқса, аёл қалбини теран тасвирлаши билан фарқ қилади. Бу давр аёллар ҳикоячилигида кўзга ташланган монолог-ҳикоя шакли турк замонавий насри учун янгилик эди. Қисман интуитив, қисман лирик ва драматик туйғуларга йўғрилган, маълум даражада декадент кайфиятга ўхшаб кетадиган монолог-ҳикоянинг энг етук намуналари икки турк адибаси – Назиха Мериш ва Фирузан томонидан

яратилди. Янгиланаётган даврда замондош аёлнинг қалби, ички кечинмалари, руҳий ҳолати қаламга олинди. Аёл баъзан ожиз, заиф, кучсиз, баъзан иродали, чидамли, бардошли, қаноатли, баъзан эса ҳам маънавий, ҳам маданий қашшоқ, баъзида фидойи она сиймосида тасвирланди.

10. Томрис Уяр, Севинч Чўкум ҳикояларида аёл руҳий оламини очиб беришда унга хос сирли хотиралар асос қилиб олинди. Психологик тасвир, монологик нутқ, образлар ва воқеаларнинг ассоциацияга қурилиши бу адибалар ҳикоячилигининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобланади.

11. Турк ҳикоячилигига турк модерн (янги) адабиёти тушунчасининг кириб келишида Ю.Отилган ва Ф.Эдгулар ижодининг аҳамияти катта. Рамзий сюжет, рамзий образ, рамзий диалоглар, уларнинг янги усубий шаклда ифодаланиши турк модерн ҳикоячилигининг етакчи хусусиятларидир. Ю.Отилган ҳикояларида қаҳрамон хатти-ҳаракати оғир ва мураккаб вазиятлар фонида акс эттирилади. Ф.Эдгу ижодининг ўзига хослиги шундаки, у бир қатор ҳикояларида инсон ҳаётидаги фожеа, исён, мурасасизлик ва мурасасозлик каби зиддиятга тўла ҳолатларни бутун мураккабликлари билан ишонарли ёритди. Ф.Эдгу Шарқ халқлари адабиётига хос мажоздан тасвир воситасида самарали фойдаланиб, мажозий наср услубига асос солди, турк ҳикоянавислигига «минимал ҳикоя» (minimal ökü) жанрини олиб кирди.

12. Турк адабиётшунослари томонидан «модерн» услубига мансубланган турк ҳикояларининг ҳаммаси ҳам мавжуд назарий қолипларга сиғадиган бадиий ҳодисалар эмас. Улар янги шаклга солингани, тасвир тамойиллари мураккаблашгани, психологик талқинлари, анъаналарнинг истифода этилиш усулига кўра тамомила янги моҳият касб этади. Аммо ҳеч бир жиҳатдан Ғарб модернизмини такрорламайди.

13. М.Қутлу ижодида турк фольклори, Шарқ классикаси анъаналарини замонавий усулда қайта жонлантириш, шу асосда жанр, сюжет, қаҳрамон ва услуб компонентларини янгилаш тамойили етакчилик қилади. Унинг ҳикояларида сюжет мотивацияси, рамз ва тимсоллар модификацияси пухта ишланган. Хизр алайҳиссалом, Дада Қўрқут, сўфий, эртакчи, сув париси, денгиз сингари образлар янги сюжет, янги ҳикоябоп воқеалар фонида бадиий инкишоф этилган. С.Илери ҳикоялари эса глобал цивилизация қуршовидаги одамнинг ёлғизлиги, ички изтироблари, мушоҳада ва хаёлларини трагик тасвирлашга қаратилгани билан ажралиб туради.

Умуман, XX аср бошларидан бугунги кунгача бўлган даврда турк ҳикоянавислигида қатор янги поэтик тамойиллар кашф этилди. Инсон ва ҳаёт воқелиги ўзига хос бадиий усуллар ёрдамида ифодаланди. Бу тамойиллар нафақат турк адабиёти, балки жаҳон насри учун муҳим аҳамият касб этади.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Fil.21.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ИНСТИТУТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ,  
УЗБЕКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ  
ЯЗЫКОВ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ  
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**КЕНЖАЕВА ПОШША УМИДОВНА**

**ПРИНЦИПЫ ЭВОЛЮЦИИ ТУРЕЦКОЙ НОВЕЛЛИСТИКИ XX ВЕКА**

**10.00.05 – Языки и литература народов Азии и Африки**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО  
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**город Ташкент – 2017 год**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.DSc/Fil35.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном институте востоковедения.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

**Научный консультант:** **Каримов Наим Фатихович**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Жафер Шен**  
доктор филологических наук, профессор  
(Турция, университет Докуз Эйлюль)

**Рахмонов Насимхон Аскарлович**  
доктор филологических наук, профессор

**Пардаева Зулфия Жураевна**  
доктор филологических наук, профессор

**Ведущая организация:** Андижанский государственный университет

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Fil.21.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном институте востоковедения, Узбекском государственном университете мировых языков, Национальном университете Узбекистана по адресу: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного института востоковедения (зарегистрированной за № \_\_). (Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21)

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(протокол реестр №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года)

**А.М.Маннонов**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор филол.наук, профессор

**К.Ш.Омонов**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор филол.наук, доцент

**А.Куранбсков**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
доктор филол.наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Исследование в мировом литературоведении способов художественного изображения душевного мира человека в рассказах изучения эволюционных этапов и принципов развития турецкой новеллистики, определение методов изображения изменений, протекающих в душевном мире героев, изучение литературных направлений и течений, таких, как романтизм, реализм, модернизм, постмодернизм имеют важное значение. Яркое отображение в художественных произведениях концепции человека является одной из важнейших задач не только турецких, но и современных литературоведов мира в целом.

Коренные преобразования в социально-политической и культурной жизни республики в годы независимости, естественно, оказали своё влияние и на литературный процесс. Открыт путь к изучению литературы различных народов, их научно-теоретическому исследованию и переводу на основе методов узбекского и мирового литературоведения. Отечественными учеными изучен целый ряд вопросов турецкой литературы. Несмотря на это, сегодня, как никогда ранее, усиливается потребность в донесении до нашего народа шедевров мировой литературы. В частности, в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>1</sup> созданы дополнительные возможности для расширения масштаба научно-практических исследований в социальной сфере, в частности, науке, литературе, культуре и искусстве. Также появилась возможность более широкого освещения турецкой прозы XX века, в частности, преобразований в жанре рассказ, связанных с художественным мышлением, стилистических поисков, тематического и идейного охвата. Научно-теоретическое исследование турецкой литературы, особо выделяющейся в мировой литературе XX века в плане своей специфичности, имеет важное значение в стимулировании научно-исследовательских работ и совершенствовании инновационной деятельности.

Несмотря на то, что в мировом литературоведении в определенной степени изучены формирование, развитие и поэтические особенности жанра рассказ в турецкой литературе XX века, до сих пор не исследованы в монографическом плане принципы эволюции жанра. Данное исследование посвящено изучению возникновения жанра рассказ в турецкой литературе, его становления и развития, новых художественно-стилистических изменений, классификации историко-политической эпохи, взаимоотношений эпохи и героев, психологического анализа, проблем художественного мастерства, стилистической разноплановости, новаторства, проблем сюжета и композиции рассказа. Наряду с этим, уделено внимание изучению эволюционного пути турецкой новеллистики, особенностей, преобразований и нововведений, свойственных каждой эпохе. Следовательно,

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»/ Народное слова. 2017 йил. 8 февраль. №28 (6722)

монографическое изучение принципов эволюции турецкой новеллистики XX века определяет актуальность темы исследования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит исполнению задач, обозначенных в постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №222 «Об утверждении Государственной программы по защите, хранению, пропаганде и использованию объектов нематериального культурного наследия на 2010-2020 гг.» от 7 октября 2010 года, указа Президента Республики Узбекистан 1875-УП «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 года, указов Президента Республики Узбекистан «О создании комиссии по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению и пропаганде культуры чтения» от 12 января 2017 года, «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» №2789-УП от 17 февраля 2017 года и других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан: I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном развитии информатизированного общества и демократического государства и пути их реализации».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>2</sup>.** Научные исследования по изучению специфики современной турецкой литературы, её жанровых особенностей проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, Universität Mainz (Германия); Київський національний університет (Украина); Bakı Dövlət universiteti (Азербайджан); Грузинском институте восточных языков, Тифлисском государственном университете (Грузия), Будапештском университете (Венгрия), Чехословакском институте восточных языков (Чехословакия), Gazi Üniversitesi, Hacettepe Üniversitesi, İstanbul Üniversitesi, Ege Üniversitesi (Турция), Московском Государственном университете, Санкт-Петербургском Государственном университете (Россия), а также

---

<sup>2</sup> Обзор международных научных исследований по теме диссертации был подготовлен на основе следующих источников <http://www.ka.wikipedia.org/wiki>, <http://www.tr.wikipedia.org/wiki/Turkoloji26k.>, <http://www.onlineturkish.com>, <http://sbe.gazi.edu.tr/>, <http://www.sosyalbilimler.hacettepe.edu.tr/>, <http://tde.deu.edu.tr/>, <http://sosyalbilimler.istanbul.edu.tr/>, <http://www.sosbilen.ege.edu.tr/>, <http://www.turkishlanguage.org>, <http://www.turkdili.narod.ru/>, <http://www.tashgiv.uz/>, Gümüşkılıç M. Macaristan Türkolojisi Üzerine Bir Biyo-Biyografi Denemesi // Turkish Studies, Volume 7/4. Fall 2012, -p. 367-406, Canaşa N.N., Svanidze M.Kh. Gürcistan'da Türkoloji (gürcüceden çev. Üstünyer I.) // Tarih Dergisi, Sayı 54 (2011/2) İstanbul 2012.-s.221-229., Özdemir N. Almanya ve Berlin'deki Türkoloji Araştırmaları Tarihi ve Freie Universität Berlin – Türkoloji Enstitüsü / Milli Folklor, 2005, Yıl 17, Sayı 68. -s.32-39., Dolunay K. Türkiye ve Dünyadaki Türkçe Öğretim Merkezleri ve Türkoloji Bölümleri Üzerine Bir Değerlendirme //XIV. Ulusal Eğitim Bilimleri Kongresi Pamukkale Üniversitesi Eğitim Fakültesi 28-30 Eylül 2005 Denizli, -s. 1-7., Yüksel Z. Çek Cumhuriyeti'nde Türkolojinin Tarihi / Fikret Türkmen Armağanı, Kanyılmaz Matbaası, İzmir-2005. -s.767-782.

Ташкентском государственном институте востоковедения, Узбекском государственном университете мировых языков (Узбекистан).

Благодаря проведению исследований в области изучения современной турецкой литературы, в частности, жанра рассказ получены следующие научные результаты: приведены общие сведения о тематическом охвате жанров классической и современной турецкой литературы (Universität Mainz, Германия); уточнены сведения по переводу, составлению библиографии современных турецких рассказов (Будапештский университет, Венгрия); исследованы проблемы истории современной турецкой литературы, изображения в чешской литературе турецкого человека, темы Анатолии в турецкой литературе, освещения в литературе турецкого села (Чехословацкий институт восточных языков, Чехословакия); изучены проблемы формирования турецкой литературы, литературных жанров, вопросы поэтики и влияния литературных течений (Gazi Üniversitesi, Hacettepe Üniversitesi, İstanbul Üniversitesi, Ege Üniversitesi, Турция); установлены общие черты современной турецкой и грузинской литератур (Грузинский институт восточных языков, Тифлисский государственный университет, Грузия); на примере творчества турецких писателей установлены специфические особенности реализма, прозы турецкой литературы (Московский Государственный университет, Санкт-Петербургский Государственный университет, Россия); исследованы история турецкой литературы, переводы турецких произведений (Ташкентский государственный институт востоковедения, Узбекистан).

Ведущими тюркологами мира проводятся исследования по изучению специфических особенностей турецкой литературы, в частности, по следующим приоритетным направлениям: взаимосвязи турецкой литературы с литературами других народов; изучение формирования турецкой литературы, её эволюционных этапов; раскрытие проблем художественного мастерства и стиля писателей; роль и значение в турецкой литературе литературных течений; осуществление переводов произведений турецких писателей с оригинала на узбекский язык; решение проблем литературных жанров и видов.

